

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

Баҳоси эркин нархда

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



**Раҳмонали
КОСИМОВ.**

**Раҳмонали
КОСИМОВ.**

ҒАЛЛАНИ ЁНГИНДАН САҚЛАЙЛИК

Республикамизнинг жанубий вилоятларида ғалла ўрими-йигими бошланди. Деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосиллар омборларга тукилмоқда. Ҳадемай юртимизнинг барча ғаллазорлари комбайнларнинг овози билан тўлади. Бутун диққат-эътибор етиштирилган ризқу рўзимизни нест-нобуд қилмасдан, беталафот ва ўз вақтида йиғиштириб олишга қаратилмоқда.

Албатта, йигим-теримни тез ва муваффақиятли ўтказиш мавсумга қай даражада ҳозирлик қўрилганлигига боғлиқ. Республикамизда ўтган йилнинг ўрими-йигими даврида ғаллазорларда, дон қўритиш ва қабул қилиш пунктларида 70 дан ортиқ ёнгинлар содир бўлиб, кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Ёнгинлар содир бўлишининг асосий сабаблари электр жиҳозлари, айланма қисм ва механизмлари носоз бўлган автотранспорт воситалари, комбайнларни ишлатиш, уларда учқун учиргичларнинг йўқлиги ёки уларнинг носозлиги, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, болаларнинг олов билан ўйнашларидан иборат.

Содир бўлаётган ён-

гинлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар айрим раҳбарлар томонидан ғалла майдонларини, ўрими техниксини ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ўз вақтида керакли чора-тадбирларни амалга оширмасликлари натижасида келиб чиқмоқда.

Ғалла ўрими-йигими даврида қатнашадиган ишчи ва хизматчилар, механизаторлар қўйидаги ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари шарт:

— автомобиль ва темир йўллари билан ғаллазорлар оралиғида 8 метрдан кам бўлмаган кенликда йулаклар очилиши, 4 метр кенликда шудгор қилиниши керак;

— ғаллазорларда сигарет чекиш, сомонларни ёқиш қатъиян тақиқланади;

— ғаллазорлар комбайнларнинг бир кунлик ўриш меъёри ҳисобида майдонлар 8 метр кенликдаги шудгорланган йулаклар билан бўлинган бўлиши керак;

— ўрилаётган ғаллазорларнинг яқинида ишга шай ҳайдов трактори (омочлари билан) навбатчилиги ташкил қилиниши керак;

— комбайнларнинг айланидиган валлари, коллекторлари ва бошқа механизмлари ҳимоя қопқоқлари билан таъминланган бўлиши керак;

— трактор ва комбайнларга ёқилги қўйиш ғалла майдонидан ташқарида, кундуз кун, двигателни учирган ҳолда амалга оширилиши керак;

— ўримида иштирок этувчи ҳар бир комбайн 2 тадан ут учиргич, белкуррак, 1,5х1,5 метр ҳажмда кигиз ёки брезент матоси билан жиҳозланган бўлиши керак;

— болаларнинг ғалла майдонларига киришларига рухсат бермаслик керак;

— вақтинчалик дала шийпонлари ва ошхоналар ғаллазор, хашак ғарамлари ва хирмонлардан 100 метр масофада узоқликда жойлашиши керак.

Мавсумни муваффақиятли ўтказиш, ҳосилларни нест-нобуд қилмасдан, беталафот йиғиштириб олиш, республикамиздаги ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ризқ-рўзимизни тезроқ омборларга ғамлаб олиш борасидаги тартиб-қоидаларга, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш, белгиланган тадбирларнинг тула-тўқис амалга ошишига кафолат беради.

ИИБ ЁСБ Давлат ёнгин нazorати бўлими.

«01» ХАБАРЛАРИ

Самарқанд шаҳар, Фестивал кўчаси, 11-уйда яшовчи Қ. Очилов буюқ теккан кийимини бензин ёнилгиси билан тозалаётганида чакнаб кетиб юзи, қўли, оёқлари, нафас йўллари қўйиб, тан жароҳати олган ва оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

Уйчи тумани, Бирлашган жамоа хўжалигида электр пайвандчи бўлиб ишловчи Р. Асраев томонидан комбайн ёнилги баки таъмирланаётганда, ёнилги бугларининг чакнаши натижасида ёнгин содир бўлиб, тракторчи М. Холматов тан жароҳати олган ва оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

Косон шаҳар, Ибн Сино кўчаси, 18-уйда истиқомат қилувчи З. Раҳимовнинг хонадонида «Рекорд» телевизорининг қаровсиз қолдирилиши оқибатида ёнгин содир бўлган. Натижада телевизор, кўрпа-тушаклар ва уй жиҳозлари ёниб, катта миқдорда моддий зарар етказган.

Андижон шаҳар, Колхозли кўчаси, 12-уйда носоз жўмракдан сизиб чиққан газ чакнаши оқибатида М. Охунжонова тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Элликқалъа тумани, Сари-биби жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи И. Қаримов хонадонида иситиш печи мўрисининг носозлиги оқибатида ёнгин содир бўлиб, уйнинг томи, жиҳозлари ёниб, катта миқдорда моддий зарар етказган.

Хатирчи тумани А. Навоий номи жамоа хўжалиги 4-бригадасида яшовчи Т. Худойбердиев хонадонида эса киздирилаётган ённинг қаровсиз қолдирилиши оқибатида ёнгин чиққан. Ошхона жиҳозлари ва том қисми ёнган.

Электр симининг қисқа туташуви натижасида Қўшрабод тумани Чорлоқ қишлоғида яшовчи С. Қўлдошевнинг молхонасида ёнгин содир бўлиб, бинонинг том қисми ва хашаклар ёнган.

Наманган тумани, Кумқўрғон қишлоғида яшовчи И. Абдурахмонов хонадонида носоз газ қурилмасидан чиқиб, йиғилиб қолган табиий газнинг қисқа алангаланиши натижасида ёнгин содир бўлган. Натижада М. Абдурахмонова бутун танасининг 90 фоизи ҳамда қўшинининг кизи Х. Имомованинг юзи, қўли ва оёқлари қўйиб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

Ғаллаорол тумани, Лалмикор қўрғони,

Иттифоқ маҳалласида яшовчи А. Абдуллаев газ плитасидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганлиги сабабли қўйиб, касалхонага тушган.

Электр симининг қисқа туташуви натижасида А. Икромов тумани, Қўриқлиш кўчаси 14-уй, Х. Олимов хонадонида содир бўлган ёнгин бир йўла тўрт хонадонга қулфат олиб келган. Ёнгиндан Олимов хонадонининг томи, уй жиҳозлари ва ҳовлида турган ВАЗ-2104 русумли, «ТИКО» русумли автоуловчи ёниб кетган. Ёнгин қўшиниси А. Абдушукоров хонадонига утиб, уйнинг томи ва уй жиҳозлари ёнган. Тарқалган ёнгиннинг иккинчи йўналиши эса 9-уйда яшовчи М. Мирзаолимов хонадонига утиб уйнинг томи ва уй жиҳозларини ёндирган ҳолда, 10-уйда яшовчи А. Каримов хонадонига ўтган ва уйнинг 70 кв. м том қисми ва жиҳозлар ёнган, ёнгиндан катта моддий талафот қўрганлар.

Нарпай тумани, Ғалаба жамоа хўжалиги 2-бригадасида яшовчи С. Эшонқуловнинг уйида газ плитасига резина шлангидега газ ўтказилган. Шлангнинг носозлиги натижасида газ чиқиб, йиғилиб қолган ва электр чирогининг ёқиши вақтида кучли портлаш билан ёнгин содир бўлган. Ёнгин оқибатида уй эгаси С. Эшонқулов, аёли З. Эшонқулова қўйиб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Уч ўғли эса оғир тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этдилар.

Қўқон шаҳар, Исломобод кўчаси 72-уйда яшовчи Е. Девдиева хонадонида иситиш печи мўрисининг носозлиги оқибатида ёнгин содир бўлган. Натижада уйнинг том қисми ва уй жиҳозлари ёнган, хонадон эгасининг тутундан димиқиб ҳалок бўлган жасади топилган.

Гиждувон шаҳар, А. Дониш кўчаси 4-уйда яшовчи Х. Жўраев тандирга ўт ёқишда эҳтиётсизлиги оқибатида юзи, боши ва қорни қўйиб, касалхонага тушган.

Р. АСЛОВ,
ИИБ ЁСБ ДЕНБ муҳандиси,
ички хизмат лейтенанти.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шу йил 29 март кун Иб Бирлашмасида республика ички ишлар идоралари хузуридаги қўриқлаш бўлимларининг жорий йилнинг 5 ойлик хизмат ва молия-хўжалик фаолияти якунига бағишланган оператив йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда асосий эътибор халқ хўжалиги объектлари ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш олиш, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, банк муассасалари қўриғини ташкиллаштириш, шунингдек қўриқлаш ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Тозалаш», «Пайҳон», «Ҳосил», «Тун», «Қорадо-ри» ва бошқа профилактик тадбирларда қатна-

шиши масалаларига қаратилди.

Таъкидлаб ўтилдики, жорий йилнинг 5 ойи мобайнида уч мингга яқин халқ хўжалиги объектлари ва фуқаролар хонадонлари милиция қўриғига олинди. Шу кунга келиб қўриқлаш бўлимлари томонидан 17,7 мингдан ортиқ халқ хўжалиги объектлари ва 22,6 мингдан ортиқ фуқаролар хонадонлари қўриқланмоқда.

Йиғилишда Бирлашма бошлиғи милиция полковниги Х. Р. Убайдуллаев сўзга чиқиб, қўриқлаш хизма-

ти олдидаги ҳал қилинмаган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, шахсий таркиб билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда хизмат тайёргарлиги машғулотларини юқори савияда ўтказиш, ходимлар билан олиб борилаётган яқка тартибдаги тарбиявий ишларни янада жонлантириш лозимлигини ўқтирди. Йиғилишда хизмат ва молия-хўжалик фаолияти бўйича паст курсаткичларга эга бўлган қўриқлаш бошқарма-бўлим раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Қабул қилинган қарорда ўта муҳим ва тоифаланган объектлар ҳамда фуқароларнинг хонадонларини ишончли қўриғини таъминлаш, шунингдек қўриқлаш хизматини янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгиланди.

М. МИРЖАЛИЛОВ,
милиция майори.

СУРАТЛИ АХБОРОТ



Бухоро вилояти ИИБ ходимлари томонидан вилоятдаги корхона, ташкилот, олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар ва маҳалла кўмиталарида турли мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Суратда: бошқарма ШТБХ катта инспектори, милиция подполковниги Ўринбой Гафуров ва бошқарма ЖООБ катта инспектори, милиция майори Раиса Ҳабибрахмоновалар мактаб ўқувчилари билан суҳбат ўтказмоқдалар.

Е. ЗУЕВ олган сурат.

РЕЖА БАРБОД БЎЛДИ

Шу сонга

Яқинда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Республика ИИБ ҳамда вилоят ИИБ коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш хизмати ходимлари — М. Матчонов, И. Пирматовлар иштирокида навбатдаги тезкор тадбир ўтказилди. Унда «Ўзбекхиммаш» заводи иш-

чилари: қўриқлаш хизматининг смена бошлиғи, 1939 йилда туғилган А. Қ., комбинат муҳандиси, 1945 йилда туғилган Д. А. диспетчер 1937 йилда туғилган У. В., ишчилардан — 1941 йилда туғилган Н. М. 1961 йилда туғилган М. А. лар ўзаро жиноий тил бириктириб шу корхона омборхонасидан уму-

мий миқдори 3.695,389 сўмлик 11 тонна зангламайдиган металлни ўғирлаб чиқиб, мазкур шаҳарда яшовчи, ишламайдиган, 1949 йилда туғилган Т. Б. га 1000 АҚШ доллари ва 75.000 сўмга пуллаётганларида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди.

Ўз мухбиримиз.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Қўқон шаҳар ВЕКҚТБ томонидан исмини «Андрей» деб айтган, ёши тахминан 7-8 лар чамасидаги лўли миллатига ўхшаш, нутқи яхши ривожланмаган бола ушлаб турилибди.

Белгилари: бўйи 110-120 см, озгин, бугдойранг, боши кичкина, кўзи жигарранг, бурни тўғри, қоши сийрак, сочи қора калта.

Кийимлари: эгница свитер, оқ йўл-йўл футболка, қора трико, оёғига резина кулранг шиппак кийган.

Ушбу вояга етмаган боланинг ота-онаси ва яқинлари Қўқон шаҳридаги 2-24-56, 3-45-3 телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига (Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №6, 118-модда) ўзгартишлар ва

қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 1 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб борилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

2-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш

Иш билан таъминланиш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир.

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Куйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаганда ҳодимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти би-

лан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

3-модда. Ишсиз деб эътироф этиш

Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишга бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан улар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади.

Куйидагилар ишсиз деб эътироф этилмайди:

меҳнат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида таклиф этилган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар;

рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган шахслар.

Таклиф этилган ишдан бош тортган кундан ёки мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ўтганидан кейингина шахс иш қидираётган сифатида қайта рўйхатдан ўтишга ҳақи бўлади.

Фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. Мақбул келадиган иш

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда эса, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиги ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги му-

тахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ушбу Қонун 27-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ишсизликнинг дастлабки даври тугаганидан сўнг касбига (мутахассислигига) мос иш топиб бериш мумкин бўлмаган тақдирда, унинг қобилиятини, кучини, олдинги тажрибасини ва унга қулай бўлган ўқитиш воситаларини инобатга олган ҳолда касбини (мутахассислигини) ўзгартиришни талаб қиладиган иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин.

Куйидаги ҳолларда иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас, агар:

иш яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса;

таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатидан қулай бўлмаса. Иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини (йўл қўйилиши мумкин бўлган узоқликни) мазкур жойда жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи аниқлайди;

таклиф этилган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва малака учун белгиланган тартибда аниқланадиган энг кам миқдордан оз бўлса;

ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса.

5-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати куйидаги принципларга асосланади:

меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ҳодимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш;

кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги; иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш; иш билан таъминлаш соҳасидаги

тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ҳодимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатларо ҳамкорлик.

6-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Давлат:

иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидagi ишни танлаш эркинлигини;

ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

7-модда. Аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

Давлат:

ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда куп болали ота-оналарга;

таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларидан бўшатирилганларга; ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

(Боши 3-бетда).

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхона, муассаса ва ташкилотларга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан таъминланади.

8-модда. Қуролли Кучлардан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларидан бўшатирилган шахсларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

Ҳарбий хизматга қақирилган (кирган) ходим захирага бўшатирилганидан ёки истеъфога чиққанидан кейин, башарти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларидан бўшатирилган кунидан бошлаб узоғи билан уч ой ичида ишга жойлашиш масаласида иш берувчига мурожаат этган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Ҳарбий хизматга қақирилган (кирган), лекин кейинчалик захирага бўшатирилган ёки истеъфога чиққан ходим, агар унинг ҳарбий хизматга қақирилган (кирган) кунидан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Корхона тугатилганда ҳарбий хизматдан бўшатирилган шахсларни ишга жойлаштиришнинг унинг ҳуқуқий вояси, бундай вояси бўлмаса, маҳаллий меҳнат органи амалга оширади.

Ходимларга ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган кафолатларни бериш мумкин бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса, касби бўйича бепул ўқитишни таъминлайди.

Ушбу моддада назарда тутилган кафолатлар муқобил хизматга қақирилган ходимларга ҳам татбиқ этилади.

9-модда. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

Давлат органларидаги ёки ходимларнинг вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бунда иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилади.

II. ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИ

10-модда. Ишга жойлашиш ҳуқуқи

Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

11-модда. Касб-корга доир маслаҳат олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва ахборотлар олиш ҳуқуқи

Иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар таъмин этиладиган иш турини, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида касб-корга доир

бепул маслаҳатлар олиш, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтиш, малака ошириш ҳамда тегишли ахборот олиш ҳуқуқига эга.

12-модда. Ишсизлик даврида ижтимоий мадад олиш ҳуқуқи

Белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахслар ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-модда. Меҳнат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи

Меҳнат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бўйсунмиш бўйича юқори органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиш мумкин.

III. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

15-модда. Давлат бошқарув органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқарув органлари:

меҳнат бозорини барпо этиш ва ривожлантиришни таъминловчи тузилмалар, молиявий, кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатини амалга оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқади;

иқтисодиёт тузилишини таҳлилий тадқиқ этади, меҳнат бозори ҳолати ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳволнинг истиқболини белгилайди, бу соҳада давлат статистика ҳисоби ва ҳисоботини юритади;

аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

фуқароларнинг иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан тегишли равишда кафолатланишини, шунингдек ҳимоя қилинишини таъминлайди;

қўшимча иш жойлари яратилишига, меҳнат шароитлари яхшиланишига кўмаклашади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг маҳаллий органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўйбга чиқариш ҳамда фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

меҳнат бозорини таҳлил этади ва истиқболни белгилайди ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан ишсиз шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун фойдаланишнинг йўналишларини белгилайди;

аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий меҳнат органлари:

фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдам беради;

меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва ишчи кучи билан таъминлаш имкониятлари тўғрисида, ходимларга нисбатан қўйилаётган талаблар ҳақида ва иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беради; ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

ишсиз шахсларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

меҳнат бозорининг ҳолатига ва мазкур бозорни ривожлантириш истиқболларига баҳо беради, унинг мониторингини ташкил этади ва ўтказишда ҳамда тегишли ахборот тарқатилишини таъминлайди;

бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) ҳамда иш қидириб мурожаат этаётган ва ишга жойлашишга муҳтож фуқаролар ҳисобини юритади;

аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмаларнинг ўзгаришлари ҳамда амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнат хусусияти ва шароитлари тўғрисида ахборотлар олади;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан уларнинг йўналиши ва ихтисослашуви, битирувчиларнинг касб-малака таркиби ва сони тўғрисида ахборотлар олади;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёргарлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларда бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда ишга жойлаштириш учун юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилишга мўлжалланган энг кам миқдордаги иш жойларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

муҳокамасига киритади, шунингдек мазкур фуқароларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишончномаси асосида улар номидан фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлган тақдирда) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, йўлқира, кундалик харажатлар ҳақини тўлаш шартин билан шартномалар тузади, шунингдек, янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чоғида тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёрдам пули беради;

ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда уларнинг ўз хоҳишига қўра жўнатади;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

фуқароларга ишсизлик нафақасини белгиланган тартибда тайинлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Меҳнат органлари томонидан аҳолига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бепул амалга оширилади.

17-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ваколатларига қўйиладиган киради:

аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш;

аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг умумий принциплари амалга оширилишини таъминловчи норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан ҳудудий тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ушбу Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ёки айрим турдаги ишларни (касбларни) эҳтиёт тариқасида сақлаб туриш;

меҳнат бозоридаги аҳвол барқарорлашувида кўмаклашувчи, шу жумладан меҳнат шартномалари оммавий равишда бекор қилинишининг олдини олишни, мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш ва янги иш жойларини яратишни, ҳақ тўланадиган вақтинчалик ва жамоат ишларини ташкил қилишни, устувор ривожланиш ҳудудларини аниқлашни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, шунингдек, жамоа келишувлари билан ушбу Қонунга зид бўлмаган, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаланганлигини қўлайлашувчи мақбул келадиган иш таклиф этиш, ишсизларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатга олишнинг бошқа шартлари ва тартиби, шу жумладан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ишсизлик нафақаларини тўлаш муддатларини узайтириш ва миқдорларини ошириш, жамоат ишларидаги меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек, касбга ўқитиш даврида стипендия тўлаш назарда тутилиши мумкин.

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорни олти ойгача муддатга тўхтатиб қўйиши мумкин, бунда улар ана шу кечиктириш туфайли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар кўрадиган зарарни қисман ёки тўлиқ қоплайди.

18-модда. Иш берувчиларнинг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштироки

Ўзбекистон Республикасида иш берувчилар иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қуйидаги йўллар билан кўмаклашадилар:

меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш шартнома ва келишувлар шартларини бажариш;

ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун шароит яратиш;

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига молиявий ажратмалар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайдиган иш жойларига ушбу Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган фуқароларни ишга жойлаштириш;

бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда, мўлжалланаётган ишдан озод қилишлар тўғрисида ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда ахборотларни олдиндан (камида икки ой олдин) маҳаллий меҳнат органларига тақдим этиш.

Ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилмаслигида ва бўш иш жойларини (вакант лавозимларни) яширганликда айбдор бўлган ҳақда Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига ажратмалар ўтказишдан бош тортган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг кам миқдордаги иш жойларини яратиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чиқарган қарорларни бажармаганлик учун иш берувчилардан ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ходимнинг йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида жарима ундирилади. Аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касбхунар ва олий таълим олган, шунингдек, касб тайёргарлиги олишга ва қайта тайёргарлик куришга, малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишдан бош тортганлик учун ҳам худди шу миқдорда жарима ундирилади. Ундириб олинган маблағлар Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасини тўлдириш учун ўтказилади.

Иш берувчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун белгиланган энг кам миқдордан ортиқроқ қўшимча иш жойларини яратиш, шунингдек, бундай шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мақсадида қилган сарф-харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг иш жойларини қисқартириш ёки тугатиш маҳаллий меҳнат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан касабга уюшмалари кўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

19-модда. Касаба уюшмалари ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи иштироки

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, иш берувчиларга аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий кафолатларига оид масалалар юзасидан узаро маслаҳатлашувлар ўтказиш ҳақида тақлифлар киритиш.

20-модда. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштириш кўмиталари

Аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини белгилаш ва амалга ошириш бўйича келишилган қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида республика миқёсида ва маҳаллий миқёсларда касаба уюшмаларининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органларининг, иш берувчилар уюшмаларининг, давлат бошқарув органларининг ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатларини ифодаловчи бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакилларида иборат аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштириш кўмиталари тузилади.

21-модда. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси тузилади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси бюджетдан ташқари жамғарма ҳисоблиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қуйидагилар ҳисобидан ҳосил этилади:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки фоизи миқдоридаги мажбурий ажратмалари, бу харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш шарт билан;

республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан тегишли бюджетларни шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдордаги дотациялар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бузганлик учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан солинадиган жарима ва ҳисоблаб чиқариладиган пенялар суммаси;

юрдик ва жисмоний шахсларнинг қўшимча ва янги иш жойларини яратиш учун Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси

маблағларидан шартнома асосида фойдаланганидан келган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобида ҳосил этиладиган Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларининг етмиш фоизи кейинчалик уларни туманлар ва шаҳарлар ўртасида қайта тақсимлаш шарт билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органларининг тасарруфида қолади, ўттиз фоизи эса республика миқёсида марказлаштирилади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тегишли республика, ҳудудий ва бошқа махсус дастурларга мувофиқ белгиланади.

22-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меҳнат органларининг тақлифига кўра ва уларнинг иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўз мулкидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳамда шартномалар асосида бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг амалга оширилишини ташкил этадилар.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳуқуқи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади.

Жамоат ишларини бажариш чоғида фуқароларга бажарилаётган ишга қараб, бироқ ўн беш фоизга оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш, ана шу ишлар муддатини умумий меҳнат стажига қўшиш, пенсия таъминоти ва вақтинча ишга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида эллик фоизи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджетлар ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

23-модда. Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:

ишсиз шахс зарур касб малакасига эга бўлмаганлиги туфайли унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаса;

ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли унинг касбини (мутахассислигини, машғул турини) ўзгартириш зарур бўлса;

ишсиз шахс аввалги касби бўйича

иш бажариш қобилиятини йўқотган бўлса.

Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув юртларида меҳнат органларининг йўлланмалари бўйича Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг ана шу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

IV. ИШДАН МАҲРУМ БЎЛГАН ЧОҒДАГИ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР

24-модда. Ишсиз шахсларга моддий мадад беришга оид кафолатлар

Давлат ишсиз шахсларга қуйидагиларни кафолатлайди:

ишсизлик нафақаси тўлаш;

меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;

ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;

меҳнат органларининг тақлифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш.

25-модда. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда ходимларга моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча кафолатлар

Меҳнат шартномаси:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги сабабли;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойқлиги сабабли;

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга қайта тикланиши сабабли бекор қилинган ҳолларда иш қидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, бунда ходимга туланган бир ойлик ишдан бўшаиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар мулкдор ўзгарганлиги сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам татбиқ этилади.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойларидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ходимларга уч ой мобайнида мақбул келадиган иш топиб берилмаган тақдирда, улар ишсиз деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг биринчи ва ик-

(Давоми 6-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

(Боши 3, 4, 5-бетларда).

кинчи қисмида кўрсатилган, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ун кун ичида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган ва касби бўйича қайта ўқитилаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошираётган ходимларга ушбу Қонуннинг мазкур моддаси саккизинчи қисмида ҳамда 26-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорларда стипендия тўланади.

Агар иш берувчи ночор (банкрот) деб топилса, у билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ходимлар иш ҳақи ва ўзларига тегишли бошқа тўловлар хусусида бошқа барча кредиторларнинг талабларига нибатан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Тугатилаётган корхоналарнинг маблағи бўлмаган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимларга компенсациялар шу корхоналарнинг ҳуқуқий ворислари маблағларидан тўланади, ҳуқуқий ворислар бўлмаган тақдирда эса — Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши, ходимлар сони (штати) қисқартирилиши муносабати билан ишдан озод этилган, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ун кун ичида меҳнат органида рўйхатга олинган ҳамда касби бўйича қайта ўқитилаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошираётган ходимларга меҳнатга оид муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб дастлабки уч ой давомида олдинги ишидаги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда стипендия тўланади.

Меҳнат органи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ишдан бўшатилаётган шахсларни ишга қабул қилишда уларнинг ўқилини ташкил этиш харажатларини тўла ёки қисман қоплаши мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли ёки ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра касб касаллигига йўлиқиш натижасида ишдан маҳрум бўлган ҳамда ишга жойлаштирилган ва касбга тайёрлашга ва қайта тайёрлашга, малакани оширишга муҳтож шахслар ишдан озод этилган ходимларга тенглаштирилади.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонун ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил олдин) пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади.

26-модда. Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакани ошириш даврида фуқароларга тўланадиган стипендияларнинг миқдори

Ушбу Қонуннинг 25-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслардан ташқари ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган, меҳнат органида рўйхатга олинган, қарамоғида вояга етмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган шахсларга касбга тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш, малака ошириш даврида олдинги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг камида етмиш беш фоизи (қарамоғида болалари ва бошқа кишилар бўлмаганларга эса — эллик фоизи) миқдорида, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда стипендия тўланади.

Узоқ вақт (бир йилдан кўпроқ) ишламаётган, биринчи марта иш қидираётган ҳамда касбга тайёрлашга ва қайта тайёрлашга, малака оширишга муҳтож шахсларга аҳолининг шу тоифаси учун назарда тутилган ишсизлик нафақасидан оз бўлмаган ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда стипендия тайинланади.

27-модда. Ишсизлик нафақаларини тўлаш шартлари ва муддатлари

Ишсизлик нафақаси ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тайинланади.

Ишсизлик нафақаси уларга маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ёзилади ва тўланади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ун икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;

илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ун икки ойлик давр мобайнида ун уч календарь ҳафта тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

28-модда. Ишсизлик нафақаси миқдорларини аниқлаш тартиби

9.30 «Тонгги почта» Юрий Николаев
билан.
10.05 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
10.40 «Смак».
11.00 «Бир нодир асар тарихи».
11.30 «1997 йил кўшиқлари». Финал.
Телетомошабинларнинг талабларига
биноан Янги йилги курсатув такро-
ланади. 1-қисм.
13.25 Лев Николаев «Цивилизация»
дастурида.
14.20 Бу қандай содир бўлган эди?
«Беловеж пушаси». 2-курсатув.
15.00 Муълтфильм.
15.25 «Қора ақула». Жангари филь-
ми.
17.20 Футбол. Жаҳон чемпионати.
Испания — Нигерия терма жамоа-
лари. Франциядан олиб курсатилди.
Танаффус пайтида (18.20) — Янги-
ликлар.
19.30 Кувноқ воқеалар «Аралаш-кур-
алаш» журналида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Нима? Қаерда? Қачон?».
Курсатув туғачан — Михаил Задорнов
— «Задоринки-2».
23.10 «Тушга ўхшаш севги». А.
Пугачёва куйлайди.
23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати.
Голландия — Бельгия терма жамоа-
лари. Франциядан олиб курсатилди.
Танаффус пайтида (00.50) — Катта-

6.00 Муълтфильм.
7.15 Болалар учун фильм. «Оқ пудель».
8.25, 20.45 — «Кинотавр» фестивали
кундалиги.
8.40 Федя Стуков, Олег Борисов ва
Николай Караченцов Р. Стивенсоннинг
«Хазиналар ороли» романи асосида эк-
ранлаштирилган фильмида. 1-серия.
9.40 Валерий Леонтьев «Олдузлар май-
дониди». «Россия» Давлат Марказий
концерт залидан олиб курсатилди.
12.15, 13.25 — «Таътил пайтлари» Ҳуж-
жатли фильм (Россия).
13.00, 19.00 — «Вести».
13.55 Зоя Фёдорова, Михаил Пугов-
кин, Владимир Самойлов «Малиновка-
да туй» мусиқали комедиясида.
15.40 Футбол. Россия чемпионати.
«Спартак» (Москва) — «МАСК» (Моск-
ва). «Локомотив» стадионидан олиб
курсатилди.
17.45 «Ўз-ўзига режиссёр».
18.20 «Маски-шоу».
19.30 Цветной бульвардаги циркда
Мстислав Запашной юбилеи.
21.00 «Ноль рақамли дунё». ДДТ тури.
21.25 Футбол. Жаҳон чемпионати.
Камерун—Австрия. Тулузадан олиб
курсатилди.

ТВ-6

8.05 «Кино мусиқаси».
8.25, 01.40 — «Йул назорати».
8.40, 01.55 — «Диск-канал».
9.25 Муълтсериал.
9.55 «ТВ-6» кинотеатри. «Навқирон Рос-
сия». 1, 2-сериялар.
12.30, 01.30 — «ТСН-6».
12.40 «Навқирон Россия» 3, 4-сериа-
лар.
15.05 Булат Окуджава кўшиқлари.
15.30 «Навқирон Россия». 5, 6-сериа-
лар.
18.05 «Харидингиз учун ташаккур!»
теледукони.
18.15, 19.55, 21.55 — «Навқирон Рос-
сия». 7, 8, 9-сериялар.
19.30 «Сиз—шоҳидсиз».
21.30 Шу куннинг янгиликлари.
23.45 «Московский правда»-80.
01.15 «ТВ-6» таксиси.
02.45 Тунги сеанс. «Тугунча» (АҚШ).

НТВ

9.00 Бизнинг кино. Елена Проклова ва
Алексей Петренко Динара Асанованинг
«Бировга берилмайдиган калит» филь-
мида.
10.35 «Бэтменнинг саргузаштлари».
Муълтсериал. 5-серия.
11.00 «Бугун эралаб».

лар учун муълтфильм.

РДТ

6.00 «Тонгги экспресс».
6.50 «Деҳқон тонгги».
7.15 «Қизил китоб». РДТнинг эколо-
гик экспедицияси.
7.40, 21.05 — «Кинотавр» фестивали
кундалиги.
7.55 «Кузга кўнғироқ қилинг».
8.20 «Уйимиз турида».
8.45 «Ўз вақтида».
9.15 «Хайрли тонг, юртим!».
10.00 «РДТ почтаси».
10.25 «Хамманинг оғзида».
10.55 «Хазиналар ороли». Бадий
фильм. 2-серия.
12.05 «Федерация».
13.00, 19.00 — «Вести».
13.30 «Одамлар ва пуллар».
14.00 «Менинг оилам».
15.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.
Парагвай-Болгария. Монпельедан
олиб курсатилди.
17.00 «Аншлаб ва Ко».
18.00, 19.30 — «Васильевск спу-
ска Россия Мустақиллиги кўни». Бай-
рам концерти.
21.20 Футбол. Жаҳон чемпионати.
Саудия Арабистони — Дания. Ланс-
дан олиб курсатилди.
22.50 Миллий баскетбол уюшмаси
чемпионати. Финал. АҚШдан олиб
курсатилди. Еки Андрей Болтнев
«Жокер» бадий фильмида.

ТВ-6

8.05, 20.25 — «Севсанг—қара». Виде-
оклиплар.
8.25, 18.35 — «Йул назорати».
8.35, 17.40 — «Диск-канал».
9.25 Муълтсериал.
9.55 Болалар сеанси. «Янги аттрак-
цион».
11.35, 13.40 — Муълтфильмлар.
12.05 «З.К.» — тонгги кичик шоуси.
12.30, 18.30, 01.25 — «ТСН-6».
12.45 Дам олиш кўни сериали. «Шим-
панзе-суперагент». 13, 14-сериялар.
14.25, 16.25 — «Харидингиз учун та-
шаккур!» теледукони.
14.50 «ТВ-6» худуди. А. Политковский
дастури.
15.25 Италия киноэюдлари: «Пе-
ченье», «Литл-рок», «Сүзсиз».
15.15 «Кинескоп».
17.05 «Хафта ҳалокатлари».
18.50 «Миллий география жамияти»
билан саёҳат.
19.50 «Олдузлар юлдузлар ҳақида»:
«Стрелки» гуруҳи.
20.40 «ОСП-студия».
21.30 «Хафта моҳаролари».
22.00 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
22.15 «Автомобильдан сақланинг»
фильми.
00.10 «Бенни Хилл шоуси». Кувноқ
сериал. 3-серия.

11.10 Бизнинг кино. Сергей Юрский
ва Сааша Кавалеров Геннадий Гило-
кининг «ШКИД республикаси» филь-
мида.
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кунду-
зи».
13.25 Рус детективи. Михаил Жаров,
Татьяна Пельцер, Лидия Смирнова
ва Роман Ткачук «Анискин ва Фанто-
мас» фильмида. 1-ва 2-сериялар.
15.40 «Ёввойи табиат». Ҳужжатли се-
риал.
16.00 «Футбол клуби» жаҳон чемпио-
натида.
17.20 Дам олиш кўни сериали. «Де-
тектив Нэш Бриджес». 12-серия.
18.10 Бизнинг кино. Владимир Ви-
соцкий, Руфина Нифонтова, Сергей
Юрский, Ольга Аросева ва Ефим
Копелян Геннадий Полокининг «Ин-
тервенция» фильмида.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.40 Бизнинг кино. Юрий Яковлев,
Леонид Куравлев, Александр Демья-
ненко ва Наталья Селезнева Леонид
Гайдайнинг «Иван Васильевич кас-
бини ўзгартиради» комедиясида.
22.25 «Офарин!» «Кугирчоқлар». 1-
ва 2-сериялар.
23.40 Бизнинг кино. Дмитрий Харатьян,
Келли Мак Грилл ва Андрей Мяг-
ков Леонид Гайдайнинг «Дерibasов-
ска об-хаво яхши ёки Брайтон Бич-
да ёмғир ёғаяпти» комедиясида.
01.20 Баҳор хитлари. «Олтин грам-
мофон». НТВ ва «Русское радио»нинг
биргаликдаги мусиқий курсатуви.
02.15 «Оқшомлар». Ток-шоу.
02.40 — 03.12 «Футбол клуби» жаҳон
чемпионатида.

АСТ

10.00 «Хонимча» телесериали, 18-
қисм.
11.00 Муълтфильмлар.
11.30, 17.00 Хотин-қизлар, сизлар
учун.
12.00, 19.30 «Ёввойи мушук» теле-
сериали, 9-қисм.
13.00, 21.40 Ҳаммабон иқтисодиёт.
13.10, 21.10 Спорт хар кўни.
13.50, 18.50, 0.50 XX асрдан XXI аср-
га.
14.00 «Дўстлар даврасида» Н. Баб-
кина куйлайди.
14.30, 20.30 «Факт» ахборот да-
стури.
14.40 Муълтфильмлар.
15.05, 22.40 Россия мустақиллиги

кўнига. Ҳужжатли фильм-концерт.
16.05 «Морена Клара» телесери-
али, 94-қисм.
17.30 «Менинг тақдирим» бадий
фильм, 20-қисм.
19.00 Муълтфильмлар.
20.40 «Олов гилдираги» телесе-
риали, 20-қисм.
21.50 «Жазирама» телесериали,
30-қисм.
00.00 «Сохта она» телесериали,
27-қисм.

REN TV

13.45 «Хаёт йўли» телесериали.
14.45 Сизнинг адвокатингиз.
15.00 TV shop.
15.30 «Хавфли бурилиш». 3-қисм.
17.00 Бевосита эфирда мушук
Порфирий.
17.15 «Севгим менинг, қайғум ме-
нинг» телесериали.
18.15 «Жасур ва гузаллар» теле-
сериали.
19.15 «Элен ва болалар» телесе-
риали.
19.50 «Қора марварид» телесе-
риали.
20.55 Кугирчоқлар тарихи.
22.30 «Кўнғироқ қил ва тамоша
қил». Дахшатли ва фантастик
фильмлар.
0.30 Новости REN TV янгиликла-
ри.
0.45 Спроткуръер.
1.00 «Америкалик Чарт-шоу Рос-
сияда Мусиқий дастур».

ТВ МАРКАЗ

8.05, 17.40 Муълтфильмлар.
8.45 «Гузал Василиса» бадий
фильм.
10.15 Ҳужжатли фильм.
11.05 «Кэтузил» болалар учун се-
риали.
11.30 «Петрнинг ёшлиги». 1-қисм.
12.55, 16.55, 18.45 Янгиликлар.
13.00 «Петрнинг ёшлиги». 2-қисм.
15.15 «Қахрамон учун кўзгу» ба-
дий фильм.
18.20, 23.55 Лиссабондаги бутун
жаҳон курғазмасида Москва кун-
лари.
20.00 «Азизларим».
20.55 Кинохит. «Ишдаги ишқ». 1
ва 2-қисмлар.
2.10 «Хақиқий муҳаббат» бадий
фильм, (АҚШ)

REN TV

13.50 Жаҳон спорти янгиликлари.
14.20 «Альфред хичкок намойиш
этади» телесериали.
14.55 «Ўн олти ёшли» сериали,
(Франция).
15.30 «Манстрлар оиласи» комедия
сериали.
16.00 «Оқ тути» клуби.
16.30 «Акватория Z» болалар учун
ток-шоу.
17.00 Киноэртаклари. «Витя Глу-
шков — Алачлар дўсти».
18.25 Тўртинчи ҳокимият.
18.55 «Моделлар академияси» теле-
сериали.
20.00 «Симпсонлар» муълтсериа-
ли.
20.30 «Махфий материаллар» се-
риали.
22.30 «Дахшатга саёҳати». (АҚШ).
0.30 В. Молчановнинг муаллифлик
дастури
1.25 «МЭШ госпиталидаги
бошогрик хизмат» комедия сери-
али. (АҚШ).
2.30 Монти Пайтоннинг самовий
цирки.

ТВ МАРКАЗ

8.20 Бадий фильм.
9.50 Хонадонингизга тинчлик.
10.20 Биргаликда уйлаймиз.
10.45 Қоровулликка!
11.00 Болалар учун «Ўсиш дори-
дармони» телеканали.
11.40, 17.40, 20.00 Муълтфильм-
лар.
12.00 «Кэтузил» болалар учун се-
риал.
12.30 Софико Чиаурели «Болалик-
дан» дастурида.
12.55, 16.55, 18.45 Янгиликлар.
13.00 Садовая халқаси ортида.
13.40 А. Баталов билан саёҳати.
13.50 «Шарафли ишлар аввали-
да». 1-қисм.
15.05 Бутун жаҳон усмирлар уин-
лари.
15.25 «Олтин калит» телелотерея.
15.50 «Шарафли ишлар давомиди-
да». 2-қисм.
17.10 «Балаган».
18.15 «Ўн икки қатъиятли аёл».
Ток-шоу.
19.00 Борис Ноткин галереяси.
Татьяна Дмитриева.
20.20 Эх, хангома, хангома.
20.50 «Французча ўқинг» комедия.
(АҚШ).
23.00 «Алоҳида папка» дастури.
23.40 «Гузаллар танлови».
1.20 «Фаринелли-кастрат» бадий
фильм.
3.15 «Культиватор» тунги ёшлар
канали.

ЯКШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак».
10.00 «Ёшлар» телеканали.
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Кувноқлар ва зукколар».
3. «Кулги терапияси».
4. «Куйла, ёшлигим».
12.35 «Маҳалламиз болалари».
Телемусобақа.
13.20 «Ёзувчи ва замон».
13.40 Мультфильм.
14.00—15.30 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
18.00 «Омад юлдузи». Телевизион уйин.
18.30 «Оила». Тележурнал.
18.50 «Ўзспортлото».
19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
20.30 «Тахлилнома».
«Асп мўжизаси» кинодастури.
21.15. Кино янгилликлари.
21.25 ЎзТВ экранда биринчи марта ўзбек тилида «Чоликуши». Етти қисмли бадий фильм. 2-қисм.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «ТВ-1 намойиш этади».

ЎзТВ II

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Уйна, болажон уйна».
8.15 Рустам Маъдиев, Фарход Олимов. «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2 қисм.
9.10 «Нозик мўжиза».
9.20 Саргузашт фильмлар экранни.
10.00 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.20 «Лавжой». Телесериал.
11.10 «Эстрада тароналари».
11.30 Болалар экранни.
13.10 «Франция-98» кундалиги.
14.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.

«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ
14.40 Курсатувлар дастури.
14.45 Жаҳон халқлари эстрадаси.

15.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
15.50 Қалб таронаси.
16.05 Нафосат.
16.15 «Жосуслар». Хужжатли сериал.

16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара».
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёхат».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Жараён».
20.15 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Изҳор».
22.20 Миллионлар уйини.
22.30 Якшанба кинозали.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида. — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III

Россия жамоат телевидениеси
17.00 — 20.40
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 «Совга». Қисқа метражли бадий фильм.
22.05 «Тахлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип.
12.00 Киносалон.
13.30 Юлдузчалар.
14.05 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.55 Клип антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип антракт.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.45 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI жаҳон чемпионати.
20.35 «Хайрли оқшом!».
21.10 «Кобра». Телесериал.
21.50 Клип антракт.
22.00 «Бугунги кун мавзуси».
22.15 «Мусиқий олимп».
22.35 «Жаҳон киноси янгилликлари».
23.00 Киносалон.

30-канал

8.05 «Кид Аляскаси». Саргузашт телесериал. 11-сериал.
9.00, 13.40, 18.00, 21.00, 02.00 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
9.30 «Карапуз-ТВ».
9.45 «Миттивой». Ота-оналар учун дастур.
10.00 Хужжатли кино.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.25 «Хит-коктейль».
12.45 «Табассум-ла бир соат».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 Якшанба киносеанси.
17.00 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар телесериали.
18.20 «Мажстровлар оиласи». Комик сериал.
18.45 «Оқшомги латифа». Ҳажвий дастур.
19.00 «Махфий хужжатлар». Сериал.
19.50 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Кордье». Детектив сериал (АҚШ).
23.00 «Фестиваллар фестивали».
00.20 «Бойғўлига навбат».

ҚозТВ

7.05 «Уйғон ва куйла».
7.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.
7.55 Ҳарбий ахборот дастури.
8.10 Мультфильм.
8.40 «Талисман» болалар видеостудияси «Сафари» янгилликлари дастурини таништиради.
9.10 Мультсериал.
9.35 «Еркем-ай».
10.00 «Экспресс-FOOD».
10.50 Телефильм.
11.05 «Гумирнома».
11.30 «Энши балапан».
12.00 «Рақслар оламида». Мурат Тукеев.

12.30 «Дубль-1».
13.00 «Ипак йўли». Телеэкспедиция.

13.30 «Замин соҳиби».
13.50 «Ютуқ» салони.
14.20 «Хотиралар архиви».
14.45 «Ёшлар: муаммолар йўқми?».
15.15 «Рухоният».
15.45 «Гутен абенд!». Немис тахририяти курсатуви.
16.15 «Очиқ-ойдин».
16.40 «Сифат».
17.00 «Элихон ва Мустафо». Режиссер Сергей Азимов фильми.
17.40 «Соя билан жанг». Ерболат Олжабаев дастури.
18.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик дастури.
18.30 «Формула S».
18.50 «Мусиқа карвони».
19.00 «Олтин дала».
19.40 Мусиқий дақиқалар.
19.50 «Уйқурилишбанки»: «Уйга вазифа».
20.00 «Қайлик уғирлаш». Бадий фильм.

РЖТ

7.00 Николай Оляин «Тунги мотчилик» детектив фильмида.
8.15 «Лотто-Миллион». «Спортлото».
8.30, 15.20, 15.45 — «Дисней-клуб».
9.00, 14.00 — Янгилликлари.
9.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Тонг юлдузи».
11.05 «Дехон ахборотномалари».
11.35 «1997 йил қўшиқлари». Финал. 2-қисм.
13.25 «Кулги панорамаси». Курсатувни Е. Петросян олиб боради.
14.20 «Кусто командасининг сув ости одиссеяси». Сериал.
15.05 Кувноқ воқеалар «Аралаш-қуралаш» журналида.
16.15 Ажойиб кишилар ҳаёти. Изабелла Юрьева.

РДТ

17.00 Олтин серия. Леонид Гайдайнинг «Ун икки стул» комедияси. 1 ва 2-сериаллар.
19.55 «Киноафиша».
20.00 «Время».
20.40 Фазовий саргузаштлар «Менинг душманим» фильмида.
22.35 Римма Маркова Андрей Макаревичнинг «Абажур» дастурида.
23.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Югославия — Эрон терма жамоалари. Франциядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.55) — Янгилликлари.

РДТ

6.00 «Тонгги экспресс».
6.50 «Ватанимга хизмат қиламан!».
7.15 «Эҳтиёт бўлинг, модерн!».
7.40 «Кинотавр» фестивали кундалиги.
7.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Корея-Мексика. Лиондан олиб кўрсатилади.
9.35 «Хайрли тонг, юртим!».
10.25 «Ҳазиналар ороли». Бадий фильм. 3-сериал.
11.30 «Ўсмирлар учун дастур».
12.05 «Парламент соати».
13.05 «Вести».
13.35 «Китоблар олами» Леонид Куравлёв билан.
13.50 «Муваффақият амплитудаси».
14.25 «Хайвонлар ҳақида мулоқот».
15.20 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
16.10 «Театр +ТВ».
17.00 «Мутлақо махфий».
17.55 «Пульс».
18.25 «К-2» таништиради.
19.20 «Мусиқали ринг — янги авлод». Лада Денс Сергей Лемоха билан беллашади.
21.00 «Кўзгу».
22.00 «Рус лотоси».
22.40 «Эски квартира. 1972 йил».
3-қисм.
23.55 «Кинотавр» фестивалининг тантанали ёпилиш маросими.
02.05 «Халқа йўли автопойгаси».
02.20 «Русча жанг».

ТВ 6

8.05, 17.00 — «Севсанг-қара». Видеоклиплар.
8.25, 18.35 — «Йул назорати».
8.35 «Диск-канал».
9.25 Мультсериал.
9.55 Болалар сеанси. «Дубравка».
11.20, 13.40 — Мультфильмлар.
11.40 «Харидингиз учун ташакур!» теледўкони.
11.55 «Мазаси озингда қолади». Таомлар шоуси.
12.30, 18.30 — «ТСН-6».
12.45 Дам олиш кун сериали.
«Шимпанзе-суперагент». 15, 16-сериаллар.

14.00 «Қадам ташла» ток-шоуси.
14.55 «Канон».
15.30 «Мен ўзим» ток-шоуси.
16.25 «Жаҳоннинг буюқ қадриятлари». Хужжатли сериал.
17.25 «Ҳафта спорти».
18.00 «Рекордларга қасдмақасд!». Ҳажвий дастур.
18.50 «Миллий география жамияти» билан саёхат.
20.00 «Обозреватель» тахлилий курсатуви.
21.00 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
21.20 «ТВ-6» кинотеатри. Сильвия Кристель «Мата Хари» фильмида.
23.25 «Бенни Хилл шоуси». Кувноқ сериал. 4-сериал.
23.55 «ТВ-6» таксиси.
00.10 «Юлдузлар майдони»да «Европа плюс»нинг байрам дастури.
01.55 Тунги сеанс. «Лола». (Буюқ Британия).

НТВ

9.00 Тонгги сеанс. Елена Кузьмина, Лев Свердлов ва Николай Крюков Борис Барнетнинг «Мовий денгиз бўйида» комедиясида.
10.15 «Ёввойи табиат». Хужжатли сериал.
10.35 «Бэтменнинг янги саргузаштлари». Мультсериал. 7-сериал.
11.00 «Бугун эрталаб».
11.15 «Олтин граммофон». НТВ ва «Русское радио»нинг биргаликдаги мусиқий курсатуви.
11.30 «Бола тилидан» телеуйини.
12.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Конан». 9-сериал.
12.45 «Винт»дан бошлаб...».
13.00 «Мумай пуллар».
13.25 Рус детективи. Михаил Жаров «Яна Анискин» фильмида. 3-се-

рия (яқунловчи).
14.40 Мультфильм.
15.30 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Хужжатли сериал. 17-фильм — «Тўғма қотиллар».
16.00 «Рус асри». Фозил Искандар Андрей Караулов билан суҳбатда.
16.30 «Футбол клуби» жаҳон чемпионатида.
17.00 «Бугун кундузи».
17.15 «Байяр форти калити» телеуйини (Франция).
19.00 «Яқунлар». Муқаддима.
19.45 Кино олами. Кристофер Уокен Стивен Кингнинг «Ўлик зонаси» фильмида (АҚШ).
22.00 «Яқунлар».
23.00 Кино олами. Майкл Дуглас, Деми Мур ва Дональд Сазерленд «Фощ элиш» фильмида (АҚШ).
01.20 «Яқунлар». Тунги суҳбат.
01.50 «Яқунлар». Спорт.
02.20 — 02.50 «Футбол клуби» жаҳон чемпионатида.

АСТ

10.00, 19.00 Мультфильмлар.
11.15 Мусиқий пауза.
11.30 18.30 Узоқ ва яқинлар.
12.00, 19.30 «Ёввойи мушук» телесериали. 13-қисм.
12.55, 16.50, 0.50 XX асрдан XXI асрга.
13.05, 22.40 Ҳафталик халқаро спорт шарҳи.
13.30 Кўп йиллар аввал... шу кун.
13.50 Биз қуйида имзо чекувчилар. Бадий фильм. 2-қисм.
15.00 «Лайлакча». Болалар соати.
16.00 Саргузашт фильмлар экранни.
17.00 «Фестивалия» мамлакатини.
17.30 «Мусиқий салон». Сергей Лемешев.
20.40 «Жаз оламида».
21.00 «Инспектор Аленинг сирлари» детективи.
21.50 Мўжизасиз мўжизалар
XXI аср С. Капица.
22.20 Мусиқий кино юлдузлари.
23.10 «Телевидение - муҳаббатим менинг». К. Маринина олиб боради.
00.00 «Соҳта она» телесериали. 29-қисм

REN TV

13.50 Кремль теварагида.
14.20 Мультфильмлар.
14.55 «Ўн олти ёшли» сериали, (Франция).
15.30 «Манстрлар оиласи» комедияли сериали.
16.00 Рост отхонаси.
16.30 «Олишув». Бадий фильм.
18.20 «Реноме» дастурида. Хоржиклик журналистларнинг Россияга қарашлари.
18.55 «Моделлар академияси» сериали.
20.00 «Симпсонлар» мультсериали.
20.30 «Махфий материаллар» сериали.
22.30 «Кордье: изкувар ва судья» телесериали.
0.25 Катта репортаж.
1.05 «МЭШ госпиталидаги бошогрик хизмат» комедия сериали.
2.10 «Америкалик Чарт-шоу Россияда». Мусиқий дастур.

ТВ МАРКАЗ

8.00 Якшанба мактаби.
8.15, 17.20 Мультфильмлар.
8.50 «Итти паравозга алмашман» бадий фильм.
10.15 Нуктаи назар.
10.40 Чемпион билан беллашинг!
10.55 Болалар учун «Ўсиш доридармони» телеканали.
11.55 «Кэтузил» болалар учун сериал.
12.25 Виртуал дунё.
12.55, 16.55, 0.45 Янгилликлари.
13.00 «Пойтахт» тележурнали.
13.45 «Хайрли соатда» бадий фильм.
15.25 А. Баталов билан саёхат.
15.30 Тирик афсоналар.
16.10 «Бирга юз» телеуйини.
17.35 ДДТ гуруҳининг концерт дастури.
18.40 А. Бовин дастури.
19.05 Биз билан бирга қолинг!
19.15 Кинохит. «Москва таътиллари» бадий фильм.
21.00 Еттинчи кун.
21.55 «Италияни никоҳ» комедияси.
23.45 Булут 9.
0.30 Кечиккан кечки таом.
0.50 «Постскриптум».
1.15 Бозор.
1.45 Интернет-каҳвахона.
2.10 «Заррас детективи» телесериали.

Табриклаймиз!

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қуриқлаш бошқармаси мурассаса милицияси бўлим сардори милиция капитани Хурматилла Исоқович БАДАЛ-МУҲАМЕДОВНИ 45 ёшга тулиши муносабати билан табриклаймиз. Унга бахт-саодат, узоқ умр, хизматларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Қуриқлаш бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ва ҳамкасб дўстлари.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти 1-сардорлик факультети II курс бошлиғи, лейтенант Ёқубжон Муродиллаевич САЙДУЛЛАЕВНИ таваллуд кунин билан самимий қутлайди ва узоқ умр, соғлиқ, ишларида зафарлар тилайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қуриқлаш» РБ бошлиғи, милиция полковниги Х. Р. УБАЙДУЛЛАЕВГА.

Хурматли Ҳикмат Раҳматуллаевич! Сизни бугун - таваллуд тоған кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга ҳамиша мустақам соғлиқ, тинчлик-тотувлик, оилавий бахт, келажақдаги ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ, «Қуриқлаш» РБ шахсий таркиби.

Когон шаҳар-туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Нор Элович ШАРОПОВНИ туғилган кунлари билан табриклаймиз. У кишига узоқ умр, саломатлик, масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Туман ИИБ шахсий таркиби ва дўстлари.

Қибрай тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Шухрат Обидович ТУРАЕВНИ таваллуд кунлари билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ишларида омад, оиласида бахт, тотувлик, узларига узоқ умр ва саломатлик тилаб қоламиз.

Туман ИИБ шахсий таркиби.

Қашқадарё вилояти ИИБ ДАНБ катта нозири милиция майори Эргаш ХОЛМУРОДОВНИ муборак 50 ёши билан табриклаймиз ва узоқ умр, саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамкасблари.

Меҳрибонимиз Вилия Амировна МАНСУРОВА! Сизни табаррук юбилей ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Ҳамиша омон бўлинг, фақат яхши кунларда дийдор қуришайлик, яхши кунларингиз эса ҳар кун бўлсин. Умрингизга умр тилаб,

турмуш ўртоғингиз ва қариндош-уруғларингиз.

Меҳрибон онажонимиз Маъмураҳон ИМОМОВА! Сизни ҳаммамиз учун муборак кун - туғилган кунингиз билан чин кўнгилдан табриклаб, ҳамма вақт оиламиз суянчи ва қувончи бўлишингизни, масъулиятли касбингизда омад тилаб қоламиз. Илоҳим, умрингиз узун, бахтингиз бутун бўлсин.

Фарзандларингиз Аскар, Маърифат.

Азиз ва меҳрибон Фаридохон АБДУЛЛАЕВА! Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Бахтимизга узоқ йиллар хонадонимизнинг файзи, чироғи бўлиб, кўнглимизни нурафшон этиб юринг. Ҳар бир кунингиз хушқайфият, хотиржамлик билан ўтсин, доимо кулгуга ҳамроҳ, қайғудан йироқ бўлинг.

Турмуш ўртоғингиз Маннопжон, фарзандларингиз ва келинингиз.

“БАЁТ” ўқув маркази ўқишга таклиф этади:

6 ойлик курсларга

Бичиш-тикиш. 1 ойга 800 сўм
Бадий каштачилик. 1 ойга 500 сўм
Радио-телевизор мутахассислиги. 1 ойга 1000 сўм.

3 ойлик курсларга

Бичиш-тикиш. 1 ойга 800 сўм
Инглиз тили (бошловчилар учун). 1 ойга 1000 сўм.

2 ойлик курсларга

Ҳар хил торлар тайёрлаш. 1 ойга 800 сўм.
Ўқишни битирганларга диплом берилади.

Манзилимиз: 3-сон “Баёт” маданият уйи. Метронинг “Тинчлик” бекати ёнида жойлашган.
Тел.: 42-23-70.

1998 yil — Oila yili



Muqaddas dargoh

6

Namunali oila: u qanday bo'lishi kerak?

YAXSHI QO'SHNI HAM BAXT

Шермат Собиров, истеъфодаги ички хизмат полковниги:

— Халқимизда ҳовли олма, кўшни ол, деган нақл бор. Бу бежиз эмас албатта. Чунки ҳар қандай оғир, енгил кунларда ён кўшнинг жонингга оро киради. Кўп йиллик хизматларим давомида бир-бири билан аҳил, худди туғишганлардек яқин бўлиб кетган кўшнилари кўп кўрганман. Уларга ҳавасинг келади, яна бир томони халқимиздаги оқибатнинг нақадар юқорилигини кўриб фахрланасан.

Кўшнилари яхши бўлиши, улар билан аҳил муносабат ўрнатиш аввало кишининг ўзига боғлиқ. Инсон ўзига маъқул бўлмаган ишни кўшнисига ҳам раво кўриши керак эмас. Азалдан кўшнилари бир-биридан қарзи, бурчи бўлади. Ана шунга риоя этиш лозим. Айтайлик, икки кўшни ўртасидаги девор ёнида меваги дарахт ўсаяпти. Унинг бир қисми дарахт эгасиникида, бир қисми кўшникига ўтган. Мева пишганда ҳар иккала кўшни келишиб, ҳосилни бўлиб олишлари керак. Дарахт эгаси кўшника мевадан тортиқ қилиши лозим. Ёки бир кўшникдан иккинчисиникига сув ўтади. Албатта ҳар иккала хонадонда ҳам об-ҳаёт керагича оқиб туриши лозим.

Гоҳида биз эътибор қилмайдиган, арзимаган сабаблар билан икки кўшни ўртасида жанжал чиқиб, юз кўрмас бўлишгача етиб боришади.

Ҳаёт доимо бир хил тарзда кечмайди, уйланган ниятлар бекаму кўст амалга ошавермайди. Кишининг бошида ҳар хил кунлар бўлади. Тасодифан бўлиб қолган ҳодисаларда табиийки кўшнилари муносабат этиб ёрдам сўралади. Шунинг учун ҳам кўшнилари билан яхши яшашнинг ҳикмати кўп.

Намунали оила ҳақида гап кетганда, албатта унинг кўни-кўшника муносабати ҳам ҳисобга олинади. Оилалар, кўшнилари биригиб, маҳалла бўлади, маҳалладан мавзе, туман, шаҳарга айланади. Аҳил кўшнилари яшайдиган маҳаллаларда жиноятчилик ҳам кам бўлади.

Яна шуни айтиб ўтмоқчиманки, катталар, яъни ота-она кўни-кўшни билан қандай муносабатда бўлса, болалар ҳам шунга эргашади. Шу боис ҳам, яхши кўшничилик давом этиши, мустақамланиб бориши учун ўзаро муносабат ижобий йўлда бўлиши керак. Кўшничиликнинг иплари қариндошчиликдан ҳам пишиқ бўлади. Уни узмасдан, қалинлаштириб бориш лозим.

Yaxshi xabar...

XIZMATI TAQDIRLANDI

Qibray tumani IIB boshlig'ining muovini, miliciya podpolkovnigi Mahmud Umarov ko'p yillardan beri ichki ishlar idoralarida xizmat qiladi. Qibray tumanida tinchlik va osoyishtalikni saqlashda, jinoyatchilikning oldini olish va unga qarshi kurashdagi xizmatlarini hokimiyat ikki xonali uy bilan taqdirladi. Bu Mahmud akaning tug'ilgan kuni arafasida katta sovg'a bo'ldi.

...va aksincha

BEPARVOLIGI PAND BERDI

Qarshi tumanidagi Parguza qishlog'ida yashovchi B. Hasanovlarning xonadoniga o'tkazilgan elektr simlari ancha eskirib ketgan edi. Xonadon egasi bunga beparvo bo'ldi. Ko'za kunida sinadi deganlaridek, simlar uzilib, qisqa tutashuv sodir bo'ldi va yong'in chiqdi. Natijada uyni tomi, shifti va bir qancha jihozlar yonib, katta miqdorda moddiy zarar yetdi.

O'z muxbirlimiz.

BAYRAM UCHUN TASHAKKUR



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни Республикамиз ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари учун ҳам ўзига хос ва унутилмас байрам бўлди. Шу кўни болажонлар Республика кўгирчоқ театри биносига йигилиб, обдон ўйнаб-қулдилар, кўшиқ айтиб, рақсга тушдилар, шёрлар ўқидилар. Сўнгра театр жамоаси томонидан тайёрланган «Баджаҳл куёнча» спектаклини мароқланиб томоша қилдилар. Спектакл тугагач, ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган ажойиб совғаларни олдилар.

Болаларга кўрсатилган ғамхўрлик учун улар билан байрамга ташриф буюрган оналари ва бувижонлари ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар.

Суратда: байрамдан лавҳалар.

Нилуфар НИШОНОВА.
Суратлар муаллифи А. САПАРМАТОВ.

PODPOLKOVNIKLAR ONASI

Қамбаровлар хонадонига ташриф буюрганда Ҳалимаҳон аяни кўриб кирои аёл шу онахондек бўлса дедим беихтиёр. 73 ёшни қаршилаган бу аёлнинг, толеи баландлигига у киши суҳбатида бир бор бўлган киши ишонч ҳосил қилади. Аянинг олти нафар алломишдек уғиллари бор. Битта қиз Мухтарамхон эса 3 фарзанднинг онаси бўлиши билан ҳамон онасининг меҳрибони, яқин маслаҳатгўйи.

Хонадон соҳиби Кимсан Қамбаров ички ишлар тизимида 45 йилга яқин хизмат қилди. Унинг номини водийда, шунингдек республикада, кўпчилик фахр билан тилга олади. Ҳаёти, хизмат фаолиятини ёритадиган бўлсак, шунинг ўзи бир дoston.

Тўнғич фарзанд Раҳмонжон милиция подполковниги. У вилоят ИИБ Коррупция, рэкёт ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлигининг ўринбосари. Ота изидан бориб, 24 йилдан бери халқ осойишталиги, тинчлиги учун курашиб, бутун кучини шу соҳага бағишлаган. Баҳодир ака ҳам милиция подполковниги. Балиқчи тумани ИИБ

бошлиги. Кўпчиликка бош-қош бўлиш, ишни режа асосида кўнгилдагидек олиб боришда, раҳматли отасининг насиҳатлари қўл келяпти. Баҳромжон ва Гуломжон муҳандис, Раҳимжон билан Гофуржон иқтисодчи бўлиб халққа хизмат қилишаётир. Мухтарамхон — шифокор.

Оилада якка-ёлғиз урган Ҳалимаҳон ҳожи ая бугун ўзидан кўпайиб, бир маҳаллага сиққудек фарзандлар, келин-куёв, набира, чеваралар даврасида бахтиёр ҳаёт кечираётганларини кўриб, бизни ҳам шу кўнларга етказишини тиладим.

— Турмуш уртоғим билан 48 йил бирга яшадик, — дейди ая биз билан суҳбатда. — Бу салкам ярим аср дегани. Шунча йил бирга яшаб у кишининг кўнгилга қаттиқ ботадиган ноҳуя гапларини эслолмайман. Ҳамиша бир-биримизни ардоқлар эдик. Афсуски, бешафқат улим... У кишидан фарзандларига одамохунлик, қаттиққўллик, мустақил фикр юртиш каби фазилатлари ёдгорлик бўлиб қолди.

Саида
АХМАДЖОНОВА,
Андижон вилояти.

IJTIMOIY HIMOYA AMALDA

Хоразм вилояти ИИБда Оила йили муносабати билан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йўналишда бошқарма раҳбарияти томонидан дастур ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ милиция фахрийлари, боқувчисини йўқотган оилалар, беморлар, ёлғиз яшовчи, ёрдамга муҳтож нафақадорлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бошқарма оталиққа олган Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи ва 97-маҳсус интернет тарбияланувчиларини ҳар бир байрамда табриклаб, уларга шахсий жамғармадан пул ва байрам совғалари топширилаяпти.

Шунингдек, ходимлар ва фахрийларнинг оилаларидан хабар олиб туриш ҳам йўлга қўйилган. Улар ўз яқинлари билан тинч-тотув яшаши, дам олиши, фарзандлар тарбияси билан шугулланиши учун шароит яратиб берилаяпти. Уйни таъмирлаш, турмуш шароитини яхшилашга муҳтож бўлганлар аниқланиб, ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, бошқарма ходимлари учун 54 хонали турар жой фойдаланишга топширилиш арасида. Тураржой қуриш учун ер участкалари олиш, уйларга телефон утказишга ёрдам беришни сўраб, ҳокимликларга таклиф киритилмоқда. Бетоб ётган ходимлар ва фахрийларга дори-дармон олишда кўмаклашилаяпти. Урганч шаҳри марказида янги госпитал биноси қурилиши жадал суръатда олиб борилаётган.

Ходимлар ва фахрийларнинг мактаб ёки ўқув юртини тугатиб, ишсиз юрган ўғил-қизларини ишга, ўқишга жойлаштиришда амалий ёрдам берилаяпти. Шу мақсадда Меҳнат биржалари, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хизмат вазифасини бажаришда ҳалок бўлган милиция ходимлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида бошқарма ҳовлисида ёдгорлик ўрнатилди.

Яна бир диққатга сазовор тадбир амалга оширилди. Бошқарма раҳбарияти ташаббус билан чиқиб, ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг вояга етган аъзоларига Ўзбекистон Республикасининг янги паспорти бепул топширилади.

Ф. ЙЎЛДОШЕВ, милиция лейтенанти.

Bolajonlar uchun

METAGRAMMAIAR

Маъданларнинг

нодириман,
Ойнани шарт кесаман.
Ўзгарса гар бирхарфим,
Сўз туркуми бўламан

(soşo - qsoşo)

«Т» билан илдизли,
«Қ» билан аёзли.

(qşo - tşo)

Ўн икки ойнинг бири,
Чолғу асбобин тури.

(kşn - lşn)

Олтин рангда товланар,
Қандолатчи маҳсули.
Бир ҳарфиниўзгартирсанг
Касбларнингдир энг

(kşn - lşn)

Ўзи асло емайди,
Барчани у тўйдириб,
Бир унлиси ўзгарса,
Таралар оҳанг бўлиб.

(qşn - oşn)

KUYOV MA'QUL
BO'LSA

Камерунда кирди деган
халқ яшайди. Кирди қиз
турмушга чиқадиган уйни-
нг олдида озгина ерга гуза
экиб, парваришлайди. Хо-
силни йигиб ип йигиради,
толани тўқиб, турли бўёқ-
лар билан безайди. Бундай
газлама тайёр бўлгунча йил
ўтади. Бу вақтда келин-
куёвлар бир-бирига муно-
сибми, муносиб эмасми,
маълум бўлади. Агар қиз
янглишган бўлса, газлама-
ни сандиққа ташлайди. Ёш
бека янги, кенг кўйлак кий-
са, кўёвнинг маъқул тушга-
ни.

«OTYAKUMI» CHOY
DAMLAYDI

Токиода чойни жуда хуш
қўришади. Поездда, само-
лётда, меҳмонхоналарда,
ошхоналарда бу шифобахш
ичимлик албатта бўлади.
Япониядаги ҳар қандай, бо-
ринги, энг кичкина муасса-
са кам, агар у ўз иззати-ю,
қадр-қиммати билса шта-
тида дипломли махсус котиб-
лар — «Отякуми» сақлайди.
Буларнинг вазифаси ходям-
ларга чой дамлаб беришдир.

QURUQ SUV —
QULAY SUV

Яқинда олимлар куруқ сув

тайёрлашга муваффақ бу-
лишди. Гап шундаки, улар
оддий сувга бирмунча нам-
ланмайдиган кремний кисло-
танинг майда кукунини ара-
лаштиришди. Бунда сув дар-
хол куруқ ва сочиловчан бў-
либ қолади. Қулайлиги, уни
бемалол халталарда олиб
юриш мумкин.

BOLALAR VA
TELEVIZOR

Мутахассисларнинг фик-
рича, мактабгача тарбия
ёшидаги болалар кунига 20-
30 дақиқа, 14 ёшгача бўлган
ўқувчилар эса бир соат те-
левизор кўришлари лозим.
Шунда улар толиқмайдилар.

Sandiq

CHINNINI KIM
KASHF QILGAN?

Рўзгорда кенг фойдала-
ниладиган чинни Европа-
да қайта кашф қилинган.
Бунгача эса Хитой чинни-
си олтин бараварида ба-
ҳоланар эди. Хитойликлар
эса ўз сирларини ошкор
этишмасди. Нақл этилиши-
ча порохни — Бертольд
Шварц, китоб босишни —
Гутенберг, чинини эса
Саксония қироли Август
Зурнинг сарой кимёгари
Бётгер уйлаб топган.

Шавкат САЪДИЕВ
тайёрлади.

Туман прокуратураси биносининг рўпарасида-
ги сўлим боғчада келиши лозим бўлган аёлни
кутиб ўтирар эканман, мендан нарироқда ўтир-
ган икки отахондан бирининг афсус-надоматлар
тўла овози бот-бот қулоғимга чалинар, у нима-
лар ҳақидадир жон куйдириб, суҳбатдошига гап
ўқитарди. Охири бу отахон менга қарата:

— Қизим, бу ёққа келинг, бизга ҳамсуҳбат бў-
линг. Сиз ҳам бизга ўхшаб, бошига ташвиш туш-
ганлардансиз шекилли, — деди гўё менга далда
бўлиш мақсадида.

Мен бу ерда ўтиришдан мақсадимни айтга-
нимдан кейин, у киши: «Болам, бир каттанинг,
бир кичикнинг гапига қулоқ сол», деганлар. Мен
сизга дардимни айтмай, сиз менга фикр билдири-
нг» дедилар илтижо билан. Розилик олгач, оғир
сўлиш олиб, гап бошладилар:

Birni ko'rib fikr qil...

OTANING
KO'Z
YOSHLARI

yoki nomus mag'lub bo'ldimi?

— Ёшим олтимшдан
ошди. Бешта ўғилдан ту-
рттасини уйлаганман. Уч
ўғлим алоҳида яшайди.
Учинчи ўғлимнинг бир
қиз, бир ўғли бор. Қўли
сал калтароқ. Иш топи-
са, устачилик қилади,
бўлмаса, бозорда арава
тортиб, оила боқади. Шу
ўғлим бозор кунларини-
нг бирида ҳориб-толиб
ишдан келибди ва овқат
пишгунча ухлаб қолибди.
Кун анча қоронғуланган-
да уйгонса, ёнгинасида
синфдош ўртоғи телеви-
зор тузатиб ўтирган экан.

— Бемаҳалда нима қи-
ляпсан? — сўрабди ўғ-
лим.
— Ўртоғингиздан
эмас, мендан сўранг,
плитани тузатди. Энди
телевизорни тузатаяпти,
— дебди хотини. — Бун-
дай ишлар қўлингиздан
келмагандан кейин, бе-
миннат уста топилаганига
рахмат денг. Телевизор-
ни тузатиб бўлсин, уйи-
га кетади...

Ўғлим олдида қўйил-
ган овқатни ебди-ю, ни-
ма учундир яна уйку бо-
сибди...
Эндигина бондод но-
мозини ўқиб бўлган
эдимки, келиним кириб
келди: бошидан оққан
қон кийимини буллаган.
Қўқиб кетдим ва нима
бўлганини сўрадим. «Ўғ-
лингиз болта билан ур-
ди» деди келиним йи-
ламсираб. Юрагим ёри-
лай деди, ўғлимни қар-

гаганимча: «Жон болам, у
бадбахт ўзини ўлимга ҳукм
қипти, уртада иккита бола-
ларинг бор, ўғлимга раҳм
қилинг, ҳозир касалхонага
боринг-у, томга чиқаётиб,
«нарвондан йиқилдим, те-
мир нарвон босиб тушди»
деб айтинг, жон болам, ур-
гилай болам», деб унга йўл
кўрсатдим. Шошганимдан
«нимага урди?» дейиш
ёдимга ҳам келмабди.

Келин касалхонага, мен
ўғлимнинг уйига йўл олдим.
Борсам, ўғлим қайнона-
қайнотасини бошлаб ке-
либ, дарвозасини ёнида
ниманидир гаплашиб тур-
ган экан. Мен унга уда-
ғайлаб, ҳассамни олдим,
жон аччиғида ортидан ҳов-
лини гир айлантириб қув-
дим. У тутқич бермай, қў-
чага қочиб чиқди.

— Бу ёққа кел, бадбахт,
— дедим, — нима иш қи-
либ кўйдинг, утир бу ерга.
Қайнота-қайнонанг ёнида
гапир гапингни.

— Қайнонамдан уяла-
ман, — деди ўғлим яқин ке-
лишга ҳадиксираб.

— Лаънати, уялмайдиган
ишни қилиб қўйибсан — хо-
тинни бошига болта уриб-
сан-у, сабабини айтишга
уяласанми, гапир...

Ўғлим кўрқа-писа яқин-
роқ келиб, чўк тушди ва ер-
га қараганча, гап бошла-
ди:

— Анчадан бери кели-
нингиз ҳақида ҳар хил гап-
ларни эшитиб юргандим.
Ўз кўзим билан бирор гу-
монли нарса кўрмаганим

учун ишонмасдим. Охири
кеча тунда ўртоғим теле-
визор тузатиб ўтирганини
кўрганимдан кейин уларни
кузатишга аҳд қилдим. Хо-
тиним берган бир коса
мастава негадир тахирроқ
эди — ярмини ичиб, қолга-
нини сездирмай, ювинди
челакка ағдардим. Ўзимни
қанча туттишга интилмай,
ўтирган еримда кўзим юми-
либ, охири қандай ухлага-
нимни билмай қолибман.
Бир пайт чўчиб уйгонсам,
мендан нарироқда — уйни-
нг бурчагида иккаласи қип-
яланғоч ухлаб ётибди, ота!
Мен бунга қандай чидай,
мен билан бир хонада, ур-
тада иккита боламизни, ме-
ни ухлатиб қилган бу иф-
лосликларига қандай чи-
дай?! Қандай қилиб таш-
қарига чиққанимни, эшик-
нинг ёнгинасида ётган эс-
ки болтани олиб келиб, хо-
тинимнинг бошига урга-
нимни билмайман. Болта
қўлимдан сапчиб, темири
ифлос йигитнинг бошига
тўшди, сопи қўлимда қол-
ди. Мен уларни «ўлдирдим»
деб уйлаб, уч ҳовли нари-
даги сизнинг олдингизга
эмас, қизларининг ифлос-
ликларини ўз кўзлари бил-
лан кўрсин, деб уч бекат
наридаги қайнотамнинг
уйига бориб, мана, уларни
бошлаб келдим. Афсус,
қизлари ҳам, уйнаши ҳам
ўлмаган экан, уйда йўқ...

— Эҳ, хомкалла, нодон,
— дея пешонамга урдим.
— Мен қариб, мияси айни-
ган чол, хотинингга гап ўр-
гатиб, касалхонага юбор-
дим-ку! Ақлсиз, олдин уйга
бориб, менга бор гапни
айтмайсанми?

Иккала куда бири олиб,
бири қўйиб қуёвга ялиниб-
ёлвора кетишди. Уртада ик-
кита бола бор, шулар етим
бўлмасин, бизни шарман-
да қилманг. Шу болалар
ҳам бир кун катта бўлиб,
қаторга қўшилганда, она-
сининг бу қилмишидан юзи
шувут бўлмасин, жон бо-
лам, кечиринг, даъво қил-
манг, ёпиглик қозон ёпиг-
лик қолсин, деб ялинаве-
ришди. Мен ҳам ўғлимни
милисага бормасликка кўн-
дирдим ва ҳаммамиз бир-
га касалхонага бордик.

Борсам, ёнма-ён хонада
икки номуссизлар бошла-
ри боғлиқ ётишибди. Ик-
каласи ҳам «томдан йиқил-
дим, темир нарвон бошим-
га тушди», дебди шифокор-
ларга. Сир бой бермай,
уйга қайтдик. Кун тинч ўт-
ди.

Ўғлимни ўртоғининг она-
си қаёққадир кетган экан,
кечаси қайтсаки, ўғли уйда
йўқ, касалхонада, дейи-
шипти. Ўғлини кўргани ке-
либ, аҳволини қўриб, ҳол
сўраса, «ўртоғимни устачи-
лик ишига қақиргани, азон-
да борсам, хотинини бол-

та кўтариб, қувиб юрган
экан, ажратмоқчи бўлган-
дим, уни ҳам, мени ҳам
болта билан урди» дебди.
Қиёмат бошланди — онаси
тўғри мелисага бориб:
«Мени болам яхши ният би-
лан, ишга қақариб бора-
ди-ю, нега фалончи уни
болта билан чопади, сен-
лар уни қамамайсанлар?»,
— деб дод-вой қилди. Ўғ-
лимга мелиса келди — бў-
лимга олиб кетишди. Бўл-
ган воқеани бошдан-оёқ
айтдик, уларни бирга кўр-
ган қўни-қўшнилар гувоҳ
бўлди — барибир, ўғлим
айбдор, гуноҳкор, терга-
терга бошланди. Мана, бу-
гун ўғлимни қамоққа олиш-
ди. Болагинам, беш вақт
номозини қанда қилмас,
ҳаромдан ҳазар қилиб, бели
букилиб, бировнинг юқини
ташиб, рўзгор тебратарди-
ку, оиласига нега ҳаром
аралашди, хотини нега бу
ишни қилди, нега?!

Отанинг ажин босган,
йиллар шамоли қорайтир-
ган чехрасини юваётган кўз
ёшларига қарай олмадим.
Нега, нега у бу ишни
қилди? Умид билан турмуш
қўрган эри, орзу-ниятлари,
умидларининг, ширин тур-
мушининг меваси бўлмиш
норасида фарзандлари ол-
дида шундай беҳаёлик қи-
лишга аёл, онанинг қандай
юзи чидади? «Дўстингман»
дея кўксига уриб юрган йи-
гит нега дўстининг оила-
сига кўз олайтирди, унинг
ҳалол тушагини ҳаром қил-
ди? Йигит орияти, номуси,
жўмардлиги қани? Уларни-
нг пинҳона дон олишиб юр-
ганини қўриб-билиб юрган
маҳалла аҳли, қўни-қўшни-
лар нега фожиа юз бергун-
ча томошабин бўлиб тур-
дилар, уларни инсофга ча-
қирмадилар?!

Эрта-индин йигит суд
курсисига утирар, қилми-
ши учун жазосини олар.
Лекин тинч оилани бузган,
ота-оналарнинг юзига умр-
бод шармандалари тамга
босган, бир йигитнинг ори-
ят талашиб болта кутариш-
га, икки шахснинг жонига
қасд қилишга мажбурлаган,
йигитга нега жазо берил-
майди? У қилар ишни қи-
либ, дўстининг уйини бу-
зиб, қамоққа тиқиб, яна
бошқа аёлни, чиройлиро-
ғини қидириб юрмаслиги-
га ким қафил? Икки гўда-
гини етим қилган, бир йи-
гитни чўқтирган у дунё-ю
бу дунё икки юзи қаро,
шарманда аёлни ким дей-
лик?

...Ўтмишда бундайларни
ота-боболаримиз тирик-
лайн девор остига бости-
рар эканлар, токи оила
шаъни, фарзандлар ному-
си сақланиб қолсин, бош-
қалар «бундай»лардан иб-
рат олмасин», деган мақ-
сада...

Ҳақиқат ОДИЛОВА.

LATIFALAR

Бир аёл қизини турмушга чиқарди. Орадан бир ой
ўтгач, у қизидан сўради:

- Хуш, қизим, эринг қандай?
- Яхши, ойи, нима хоҳласам дарров бажаради.
- Демак, жуда кам нарса хоҳлаётган экансан.

Аввалги иш жойингиздан нега бушатишди?
— Соғлиқ туфайли.
— Қандай касал бўлдингиз?
— Мен касал бўлганим йўқ. Бошлиғим ҳар гал ишимни
қўрганда ўзидан кетиб қолаверди.

— Айтишларига қараганда донолик ҳам ўзига яраша
касалик эмиш, а?
— Ҳа. Лекин сиз ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Сиз
соппа-соғсиз.

Касалхонага қўли оғир яраланган аёлни келтиришди.
Шифокор қўриб ажабланганича елка қисди.
— Ҳеч нарсага тушунмадим. Сизни нима тишлади ўзи?
Изга қараганда отники десам, кичкина, итниги десам,
жуда катта... Нима тишлади.
— Қўшни хотин...

BOSHQOTIRMA

И	З	Л	С	З	Б	И	Н
Г	Б	У	А	И	И	Ш	И
Н	И	Б	Н	С	Л	И	Ё
А	Л	А	Г	М	А	Л	Д
Н	А	Д	И	А	Н	И	Д
О	Н	А	З	Х	Ш	К	А
А	Қ	Л	Б	З	У	А	Т
Т	А	А	О	И	Н	Л	У
О	Н	М	Л	Г	Д	А	Т
З	Д	О	А	Н	А	М	И
И	А	У	Л	И	Й	О	Н
С	Й	М	А	Р	М	У	Г

Азиз муштарийлар! Юкоридаги шаклнинг ка-
такларида нималар ёзилганини ўқишга ҳаракат
қилиб кўринг-чи. Бунинг учун сиз энг аввало
ўқишни қайси ҳарфдан бошлаш зарурлигини
аниқлаб олишингиз лозим. Ундан сўнг маттни
бошидан охиригача ўқишнинг ҳам йўлини топ-
сангиз, шаклда қадимги юнон мутафаккири ва
файласуфи ФАЛЕСнинг ота-оналар билан фар-
зандлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ҳақидаги ҳик-
матли сўзларини ўқийсиз.

Тузувчи: Х. АБДУЛЛАЕВ.

Қўшсаҳифани Э. САТТОРОВ,
С. ШАМСИДДИНОВ ва С. ШОДИЕВ
тайёрладилар

«Muqaddas dargoh»нинг кейинги
саҳифаларида учрашгунча хайри!

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

ФАРЗАНДЛАРИНГ КУЙЛАР, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

**Ўқи, ўрган, бил
ўғлон,
Элга хизмат қил
ўғлон.
Керак бўлса юрт
учун
Жонинг фидо қил.
ўғлон!..**

Пойтахтимиздаги Ҳамза номли театр одатдагидан бошқача безатилган. Унда муҳташамлик, салобат ва ҳаяжон уйғун. Бугун бу ерга йиғилган санъаткор ҳам, томошабин ҳам ўзгача. Уларнинг аксарияти қоматларига ҳўп ярашган махсус кийимда: жиддий чехралар, ялтираган тугма-ю погонлар... Театрда ўтказилаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг иштирокчиси ва томошабини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларидир.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами»ни ўтказиш анъанавий тус олди. Ма-на, бугун бу кўрик-танловнинг III босқичи ўтказилмоқда. Бу якуний босқичга вилоятлар, шаҳар, туман, ички қўшинлар, ахлоқ тузатиш ишлари бошқармалари каби барча ИИБ тизимидаги идоралар ўртасида танлов ўтказилиб, биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган голибларгина чиқишди.

Кўрик-танловнинг якунловчи босқичини Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. М. Мавлянов очиб, байрам иштирокчиларини табриклади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ушбу кун Ватан, халқ осойишталигини кўриқлаш, ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан бирга ажойиб истеъдод эгаси эканликларини ўз қўшиқ, куйлари, санъатларини намойиш этиш билан исботладилар.

Байрамни бошлаб берган Андижон вилояти Асак шаҳар ИИБ «ЎзДЭУ» автоқўшма корхонаси кўриқлаш бўйича ички ишлар бўлими милиционер, милиция кичик сержанти Алишер Қосимов Сирожиiddин Сайид шеърига ўзи куй басталаган «Ватан ифтихори» кўшигини ижро этганда, томошабинлар уни қарсақлар билан олқишладилар. Бухоро, Жиззах вилоятлари ИИБ, Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимларининг чиқиши ҳам ўзига хос тарзда кутиб олинди.

1998 йил — Оила йили кўрик-танлов иштирокчиларининг диққат-эътиборида эканлиги Қашқадарё вилояти ИИБ қошидаги «Посбон» ҳаваскорлик жамоасининг ижро этган

«Оила» кўшиги. Ўроз Ҳайдаров шеъри, Равшан Зиёдов мусиқаси)да ўз аксини топган.

Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳўжалик бўлими уста-чилангари Исоҳжон Мирзаабдуллаевнинг ўзи ёзиб, куй басталаган ва ижро этган «Келажак авлодларга» кўшиги, ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси 1-сонли Марказлашган ҳарбий ўт учиреш қисми қоровул бошлиги, ички хизмат катта лейтенанти Тоҳир Йўлчиев ижро этган «Таъзим» кўшиги (А. Қодиров шеъри, Т. Йўлчиев мусиқаси), Наманган шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлими милиционери, милиция кичик сержанти Нодирбек Тўхтамирзаев ижро этган «Ўзал диёр» кўшиқлари (конкурсдан ташқари) ана шундай ва-зифани бажарувчи кўшиқлар сирасига киради.

Президентимиз «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асарида «... миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак» дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими ходими милиция

кичик сержанти Эрали Умиров кўлида дўмбира билан ижро этган «Ўзбекистоним» кўшиги (Эрали бахши Тўрали ўғли шеъри ва мусиқаси) халқ достонлари, маънавий меросларимиз усулларида ижро этилгани билан томошабинлар олқишига сазовар бўлди.

«Ўзбекистон қўшиқ байрами» ИИБ тизими ходимлари учун кўрик-танловгина эмас, Ватанимиз, халқимизни улўғловчи, унга чексиз муҳаббат, буюк келажаги ва равнақи, тинчлиги, хотиржамлиги, осойишталиги учун курашга, доимо сергак туришга чорловчи кўплаб қўшиқ ва куйлар яратилишига асос ҳам бўлди. Урганч шўҳбекати тармоқ ИИБ тезкор навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси милиция сержанти За-риф Худайбергенов, («Ўз-бегим»), ИИБ Академияси тингловчилари Б. Колонов («Биз йигитлар») ва Б. Ҳусанов («Жон Ўзбекистон») ижро этган қўшиқларда Ватанимизнинг суянчи ва ишончи бўлган йигитларимизни Ўзбекистонимиз, унинг халқи бахти-саодати йўлида курашга чорлов оҳанглари му-жассам бўлса, Ёнгиндан сақлаш олий техника билим юрти тингловчилари Р. Жумабоев, С. Ҳолиқов («Тинчлик посбони» кўшиги), Тошкент вилояти ИИБ Жазони ижро этиш колониясининг катта йўриқчиси, ички хизмат старшинаси М. Обилов («Ўзал Туроним» кўшиги), Хоразм вилоят ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими инспектори, милиция катта лейтенанти Дилнура Қутлимуродова ва «Посбон» бадий ҳаваскорлик жамоаси («Ўзбекистон» кўшиги) ижро этган қўшиқларда Ватанга муҳаббат ва уни шарафлаш оҳанглари устун турди.

ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти нисбатан ёш. Лекин, у ерда таҳсил олган, ИИБ тизимида доир турли мутахассисликларни эгаллаган кўпгина йигитларимиз Ватанимизнинг турли сарҳадларида хизмат қилиб, ўқув даргоҳида олган пишиқ-пўхта билимларини ҳарбий интизомларини намойиш қилишга улғурдилар. Кўшиқ байрамида билим юрти сержанти Дониёр Жаббаров ижро этган «Аскар қўшиги» посбонларнинг юрт тинчлиги, Ватан осойишталиги йўлида хизмат қилаётган аскар йигитларимизнинг овози бўлиб янгради. Ва шўҳасиз бу қўшиқ эндигона аскар ёшига етаётган фарзандларимиз қалбида Ватанга хизмат қилиш, аскар бўлиш орзусини уйғотади.

ИИБ Ички қўшинлари «Турон юлдузлари» дастасининг хонандаси прапорщик Тожибар Азизова ва оддий аскар Акобир Ганиевлар «Ўзбекистоним» кўшигини ижро этганда зал қарсақлардан ларзага келди. Чунки бу қўшиқни ижро этиш асносида Ватанимизнинг куч-қудрати, фахри бўлиш аскар йигитлар — фарзандларимиз жўр бўлиб туришди. Ўзининг ўзал композицияси билан бу ижро таҳсинга сазовор бўлди.

Кўрик-танлов якунланди. Ватанимизни, халқимизни шарафловчи, унга бўлган меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқлар байрамида А. Жўраев шеъри, М. Ҳақимов мусиқаси билан «Ўзбекистоним» кўшигини ижро этган ИИБ Ички қўшинлар бошқармаси «Турон юлдузлари» дастаси хонандаси шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи бошлигининг ёшлар билан ишлаш бўйича ёрдамчиси, прапорщик Тожибар Азизова — биринчи, Қашқадарё вилояти ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими ходимаси Райима Сатторова Ўроз Ҳайдаров шеъри, Равшан Зиёдов мусиқаси билан ижро этган «Ўзбекистон фарзандиман» кўшиги учун иккинчи ва Қорақалпоғистон республикаси ИИБ шахсий тартибиди.

киб билан ишлаш хизмати инспектори, ички хизмат лейтенанти Қувват Шарипов И. Юсупов шеъри, Қ. Хилалов мусиқаси билан ижро этган «Ўзали йўқ ўз Ватанимдан» кўшиги учун учинчи ўринни эгалладилар. Жавҳар Каримов (Сирдарё) Эрали Умиров (Сурхондарё), Баҳодир Калонов (ИИБ Академияси), Сурайёхон Мажидова (Самарқанд), Дониёр Жаббаров (Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти), Ўткур Ҳамдамов (Ички қўшинлар), Баҳтиёр Нажмиддиннов (Фарғона), Муҳиддин Обилов (Тошкент вилояти), Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Кўриқлаш бошқармаси бадий ҳаваскорлик ансамбли, Зулфия Эшнова (Тошкент шаҳри), Равшан Нигматов (Ички қўшинлар) ва «Посбон» ҳаваскорлик жамоаси (Қашқадарё) юксак истеъдодларини намойиш қилганликлари, ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларини кўрсатганлари учун кўрик-танлов совриндорлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтгани, кўрик-танловда фаол иштирок этганликлари учун Наманган, Андижон, Жиззах, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилояти ИИБ вакиллари Халқаро Ш. Рашидов жамғармасининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Фахрли биринчи ўринни эгаллаган ИИБ Ички қўшинлар бошқармаси прапоршчиги Тожибар Азизова Республика миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якунловчи босқичида қатнашиш бахтига сазовор бўлди. Голибларга тантанали равишда мукофотлар топширилди.

**Шаҳзодаҳон
ХУДОЙБЕРДИЕВА.
Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.**



Республикамиз пахтаси дунё бўйича қимматбаҳо хом ашё сифатида доврғ қозонган. Ўзбек пахтасининг сифати, нисбатан арзонлиги саноатчиларни ҳамма вақт ўзига жалб этиб келади. Айниқса, юртимиз мустақил бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтган, пахта толасига харидорлар кўпайди. Харидорлар орасида собиқ иттифоқдош республикалар қатори Швейцария, Италия, Нидерландия ва бир қатор чет мамлакатларнинг ҳам бўлиши Ўзбекистонни, ўзбек миллатини дунё тан олганлигининг белгисидир.

Сотилган пахта толасини чет эллардаги харидорларга етказиб беришнинг энг осон ва арзон йўли темир йўл транспортидан фойдаланишдир. Вагонларга ортилган пахта толаси бир манзилдан иккинчи манзилга темир йўл орқали юборилиши доимо қўлланиб келинган, синалган иш усули. Лекин темир йўлдан юборилган юкнинг ўз вақтида, зиён-заҳматсиз белгиланган манзилга етиб боришига тўсиқ бўлувчи айрим кимсалар борки, уларнинг вагонларга тўғаноқ бўлиши охиروқибатда катта-катта жиноятларнинг юз беришига, мамлакатимизга катта миқдорда моддий зарар етишига сабаб бўлмоқда.

Темир йўлларда ташилайётган юкларнинг талон-торож қилиниши ва ўғирланиши, уларнинг олдини олиш юзасидан кўрилайётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Транспорт прокурори, 3-даражали Давлат Адлия маслаҳатчиси Қобилжон ҚИРГИЗАЛИЕВ ва унинг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Салоҳиддин АҚРОМХЎЖАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Қобилжон Қирғизалиевич, кейинги йилларда Республика-миз транспортида турли йўллар билан пахта толасини ўғрилаб, чет давлатларга қонунсиз йўллар билан сотиш авж олгани ва унга чек қўйиш мақсадида қаттиқ кураш олиб борилаётгани маълум. Пахта толасини бошқа давлатларга ташишдаги асосий восита — темир йўл транспорти. Транспорт прокурори сифатида темир йўллардаги қонунсиз ишларга, хусусан, пахта толасини талон-торож қилиш, ўғирлаш ҳолатларига қарши кўрилайётган чора-тадбирлар ва эришилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Транспорт прокуратураси идоралари ИИБ идоралари, МХХ ходимлари, транспортдаги божхона хизмати билан ўз ишмини мувофиқлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида пахта толасининг талон-торож қилинишига қарши курашда аниқ ишларни амалга оширмоқда.

1995-1997 йилларда Ўзбекистон Транспорт прокуратураси идоралари утказган қўллаб текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат темир йўл ҳиссдорлик уюшмаси (ДТХУ) маъмурияти курган чора-тадбирларга қарамай, ДТХУ ишчиларининг фаол иштирокида уюшган жиноий гуруҳларнинг пахта толасини ўғирлаш ҳолати кўпайган. ДТХУ бўлимининг айрим раҳбарларнинг назоратни бушашигани, бепарволигидан фойдаланган уюшган жиноий гуруҳлар айрим масъул ишчилар ёрдамида юк ташиш ҳужжатларини сохталаштириш ва қалбакилаштириш йўли билан бошқа давлатларга сотилган пахта толасини мунтазам ўғирлаб келганлар. Собиқ иттифоқ давридан қолган эски штамп, муҳрларни, юк ҳужжатларини ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш йўли билан фойдаланиш, ташилайётган юкларга доир ҳужжатларнинг мукамал эмаслиги ўғирлик ва мансабни суистеъмол қилишнинг асосий сабабларидан бири бўлган. Бундай ҳолатлар жиноий

ва унинг бир гуруҳ маслаҳатдошлари мунтазам равишда жуда катта миқдордаги пахта толасини юкларни темир йўлда ташиш ҳужжатларини алмаштириш йўли билан ўғирлаб келганлар. Швейцариядаги фирмалардан бирига юбориш учун Бахт станциясидан Венсплис станциясига жўнатилган пахта толаси ортилган вагонни И. Мухамедов жиноий гуруҳнинг бошқа қатнашчилари билан бирга қалбаки ҳужжатлар тузишиб, йўналишини ўзгартирган ва гуё Гулистондан Москва темир йўлининг Касобаново станциясига юборилгандек қилиб кўрсатишган. И. Мухамедов бошчилигидаги бу гуруҳ шундай йўллар билан 12 вагон пахта толасини ўғирлашган.

Жиззах шаҳридаги «Ватан» хусусий фирмасининг директори Ю. Ҳакимов Москвадаги «Стэлс» фирмасига икки вагон пахтани ноқонуний йўллар билан юборганлиги муносабати билан Москвада ўтказилган суриштирув жиноят ишнинг очилишига сабаб бўлди. Тергов даврида ушбу жиноий ишнинг бошқа иш-

иш ҳужжатлари тайёрланиб, фойдаланила бошланди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли республикамизда пахта толасини ўғирлаш фактлари сезиларли камайишига ва жиноий ҳолатларнинг олдини олишга эришилди. Лекин мамлакатимиздан Қозоғистон Республикасидаги Марказий экспорт йўли орқали олиб утилайётган пахта толаси ортилган вагонларнинг юк ҳужжатларини сохталаштириш ва қалбакилаштириш йўли билан ўғирлаш ҳолатлари кўпайган, уларнинг белгиланган манзилларга етиб бормаслик ҳолати бўшган. Масалан, шартнома бўйича Нишон шохбекатида пахта толаси ортилган вагон Одесса темир йўлидаги Ильичевск шохбекатида, у ердан Нидерландиядаги фирмалардан бирига юборилиши лозим бўлган. Вагон Алмати темир йўлининг Чингелди йўлининг Чингелди шохбекатидан Арис шохбекатига жўнатилган. Шундан кейин вагон ҳужжатлари қалбакилаштирилиб, манзили ўзгартирилган ва Москва темир йўли орқали Балаши-

Прокуратура ҳаётидан

ИИБнинг Фарбий ва Шарқий темир йўл бошқармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистондан келган пахта толаси ортилган вагонлар ҳужжатларини қалбакилаштириш факти бўйича текшириш ўтказилганлигини, фактлар тўлиқ тасдиқланганлигини, бу ҳақдаги материаллар кўриб чиқиш учун Фарбий Қозоғистон Давлат транспорт тергов бошқармасига топширилганлигини хабар қилди.

Юкларнинг ўғирланиши ва уларни содир этган шахсларни аниқлаш, бундай оғир жиноятларга қарши ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорлигини яхшилаш мақсадида Тошкентда «Қозоғистон темир йўллари» маъмурияти билан биргаликда мувофиқлаштирувчи (координацион) йиғилиш бўлиб ўтди. Унда пахта толасининг талон-торож қилиниши ва ўғирланишининг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Тайёрланган ҳужжатлар Москва ва Санкт-Петербург ҳукуматларига топши-

ни мусодара қилиш ҳолатлари учрамоқда. Вагонлар «РФ Божхона кодекси қоидаларини бузган» деган баҳона билан ушлаб қолинмоқда. Маълумки, пахта толасини олувчилар сифатида унинг ҳужжатини алмаштирган кимсалар аслида йўқ савдо тармоқларини кўрсатдилар. Божхона идоралари божхона қоидаларини бузганлигини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахсларга қонун бўйича жазо қўллаш мақсадида иш юритилган. Шу билан бирга юкни жўнатувчилар — Ўзбекистондаги корхоналар томонидан бирорта божхона қонунни бузилиши рўй бермасадан, қонун бузиш объекти сифатида пахта толасини мусодара қилиш ҳақида қарор чиқарилмоқда. Бундай ноҳақликнинг олдини олиш мақсадида Божхона идораларига пахта толасини юборишда божхона қонун-қоидаларига риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинди. Ҳозирги кунгача РФ Божхона қонунсиз мусодара қилган 6 вагон пахта ўз манзилига етказилди. Ўзбекистон Республика Прокуратурасининг ёрдами билан Ўзбекистондан Зиёмелбазма, Рига — Кроста, Ильичевска юборилган, Санкт-Петербургнинг Шушари, Новая Деревня, Октябрь темир йўлидаги Себеш станцияларида божхона томонидан юки бушатиб олинган 6 вагон пахта толаси топилди, эгаларига қайтарилди. Шу туфайли Республикамаиз 400 минг АҚШ долларидан ортқ моддий зарар кўришининг олди олинди.

РФ Божхона кодексининг 35-моддасида РФнинг икки божхона идораси назоратидан ўтган, шунингдек, чет давлатлар ҳудудидан ўтган транзит маҳсулотлардан божхона солиғи ва бошқа солиқлар олинмаслиги, маҳсулотларга иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаслиги белгиланган. Ўзбекистон РФ Божхона кодексининг 23-моддасида белгиланган транзит тартиби бўйича пахта толаси юбормоқда, кодекснинг 230-моддасида кўзда тутилган қоида бузгани йўқ. Бундай ҳолда юк мусодарага тушмаслиги керак эди.

Вақтинча битимнинг 16-бандида юк ортилган вагонлар контейнерлар, юклар темир йўлда кетаяётганда техник ёки бошқа сабаблар билан тўхтаб қолиниши, жўнатувчи станция ва станциядаги божхона идораларининг розилиги олинган, қўзланган манзилга етказиб қўйилиши кўзда тутилган. Амалда эса бу тартибга риоя қилинмаган...

Ўйлаймизки, вагонларда ташиладиган юкларни, шу жумладан, пахта толасининг ўғирланиши, талон-торож қилинишига қарши курашда ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг кучайтирилиши Ўзбекистон, Қозоғистон Республикалари, Россия Федерацияси темир йўл магистралларидаги жиноятларнинг олдини олишда, аввал рўй берганларини очиб, жиноятчиларни қонуний жазолашимизда ёрдам беради.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош
Шахзода
Худойбердиева.

ЎЗБЕК ПАХТАСИНING ХАРИДОРИ КИМ?

гуруҳларни аниқлашни ўта мураккаблаштириш билан бирга регионларда ўзгарувчан жиноий вазиятни вужудга келтирган.

Ўзбекистон Транспорт прокуратураси пахта толаси, ёқилғи, ғалла, ун маҳсулотлари ва бошқа юкларнинг ўғирланишига қарши курашни кучайтириш мақсадида ИИБ Нақлиёт ИИБ ва «Ўзбекистон темир йўллари» уюшмаси билан ҳамкорликда ўғирликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди. Пахта толаси ўғирланишини аниқлаш ва текшириш мақсадида малакали терговчилар ва тажрибали ички ишлар тезкор вакилларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Оз вақт ичида Ўзбекистондан ўғирлик йўли билан бошқа мамлакатларга олиб чиқиб кетилган катта миқдордаги пахта толалари ҳақидаги жиноят ишлари кўзга тилиди. Катта-катта уюшган жиноий гуруҳлар аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар.

1995-1997 йиллар давомида республикамиздан ташқарига 12 миллиондан ошмиқ АҚШ долларилар 159 вагон пахта толаси қонунсиз олиб чиқиб кетилиб, ўғирланган. Тезкор тергов тадбирлари натижасида 3 миллиондан ошмиқ АҚШ долларлари миқдоридаги 40 вагон пахта толаси аниқланди ва ўғирликнинг олди олинди.

— Салоҳиддин Одилов, тергов ишларига бевосита раҳбар сифатида пахта толасини ўғирлаш бўйича кўрилган жиноий ишлар ва айбдорларга берилган жазолар ҳақида гапириб берсангиз.

— Яқин йиллар ичида Транспорт прокуратураси Тергов бошқармаси катта миқдордаги пахта толасини ўғирлаш бўйича унга яқин жиноий ишни кўриб, яқунлади. Бу ишлар бўйича ўттиздан ортқ айбдорлар аниқланган бўлса, шундан 8 нафари транспорт ишчиларидир. Мисолларга мурожаат қиламиз.

Бахт станциясининг бошлиғи И. И. Мухамедов

тирокчилари қўлга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Юкоридаги жиноий ишлар билан бир вақтда Х. Курбонов томонидан Москвадаги «Стэлс» фирмасига ноқонуний йўллар билан юборилган пахта толаси ортилган вагонларни талон-торож қилишга доир бошқа бир жиноят иши ажратиб олиниб, тергов қилинди. Бу иш бўйича Тошкентдаги «Мир+К» фирмасининг директори А. Миралимов ва Х. Курбоновларга айб эълон қилиниб, қамоққа олинди.

Бизга Британиядаги фирмалардан бирининг раҳбарияти 6 вагон пахта толаси уларга етиб бормаслиги ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Аризага асосан жиноят иши кўзга тилиб, тергов даврида шу нарса аниқландики, Шумилов станциясининг оператори А. Саидова, ҳеч қаерда ишламайдиган Гогоберидзе (Шумилов станцияси бошлиғининг собиқ ўринбосари)лар асосий айбдор бўлганлар. Улар кўмакдошлар ёрдамида ҳақиқий эгаларига юбориш учун қонуний йўл билан вагонларга ортилган юк ҳужжатларини қалбакисига алмаштирганлар ва жами 13 вагон пахта толаси шу йўл билан ўғирланган. Айбдорлар тегишли жазоларини олдилар.

— Пахта толаси ортилган вагонларнинг юк ҳужжатларини алмаштириш, қалбакилаштириш факат республикамиз ҳудудида амалга оширилганми ёки вагонлар юборилган ва етиб бориши лозим бўлган шохбекатлар орасидаги ма-софаларда ҳам шундай жиноятларга қўл урилганми?

— Пахта толасини ноқонуний йўл билан четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида Республика Транспорт прокуратураси ДТХУга қалбакилаштиришга имкон бермайдиган янги нусхадаги юк ташиш ҳужжатларини тайёрлаш ҳақида тақдирнома киритди ва ДТХУ томонидан махсус белгиланган юк та-

ха шохбекатига, Балашиха ип-йигирув фабрикаси номига юборилган. Бу факт юзасидан Ўзбекистон Транспорт прокуратурасида жиноий иш кўзга тилиди ва пахта ортилган вагонни ўз вақтида етказиб бермагани учун Марказий Экспорт йўлига даъво қилинди. Шунга ўхшаб, Шўрчи шохбекатида вагонларга юкланган, Ильичевск шохбекатига юборилиши лозим бўлган пахта толаси Чингелдига етиб келган, Алмати темир йўлидан қалбаки ҳужжатлар билан Душанбе Карбаново шохбекатидаги «Катема» ҳиссдорлик жамияти томонидан қонунсиз равишда олинган.

Хуллас, 87 вагон пахта толасининг ўғирланишига доир 19 та жиноят иши Ўзбекистон Транспорт прокуратураси тергов бошқармаси томонидан тергов қилинмоқда. Бу жиноятлар асосан, Қозоғистон Республикасининг Алмати ва Фарбий Қозоғистон темир йўллари станциялардаги юк қабул қилиш ва топширишнинг мукамаллаштирилмаганлигидан фойдаланиб, юк ҳужжатлари, божхона декларацияларини, фактура ҳисобларини ва бошқа тегишли ҳужжатларни қалбакисига алмаштириш йўли билан амалга оширилган.

— Қобилжон Қирғизалиевич, Қозоғистон Республикаси ҳудудидаги пахта толаси ўғирланишининг олдини олиш ва бу ҳолга чек қўйиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Қозоғистон Республикаси ҳудудида пахта толасининг мунтазам ўғирланиши натижасида юзага келган жиноий ҳолатдан ташвишланган ДТХУ маъмурияти Қозоғистон ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари ва Алмати, Фарбий Қозоғистон темир йўллари бошлиқларига кўрсатилган манзилларга етиб бормаслиги 13 вагон пахта толасининг тақдирини батафсил баён қилинган хат билан мурожаат қилди ва Қозоғистон Республикаси ИИБ Бош тергов бошқармасининг бошлиғи Е. Елемисов,

риш учун Қозоғистон ИИБ ходимларига берилди.

— Салоҳиддин Одилов, Россиядаги турли савдо тармоқларининг пахта толасини ноқонуний йўллар билан олиш сабабларини урганиш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

— Россия Федерациясидаги турли савдо тармоқларининг пахта толасини ноқонуний йўллар билан олиш сабабларини урганиш, Москва шаҳрида зудлик билан тергов ҳаракатларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасидан масъул ходимлар Ўзбекистон ИИБ билан келишилган ҳолда хизмат сафарига юборилдилар. Олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида анчагина қонунсиз ишлар очилди. Бир неча ҳолатларда РФ Йўл ҳаракатлари вазирлигининг кўмаги билан темир йўл транспорти бўйича алмаштирилган ҳужжатлар аниқланиб, пахта толаси қонуний эгаларига етказилди. Ҳуқуқ масалалари бўйича Минск Конвенциясига мувофиқ РФ Прокуратурасининг аралашуви билан Россиядаги турли савдо тармоқларига қонунсиз бориб тушган пахта толаси бўйича тергов ишлари ўтказилиб, айбдорлар қонуний жазоларини олдилар.

— Йўлда ҳужжати қалбаки эканлиги аниқланиб қолган вагонлардаги пахта толасининг қисмати нима бўлади? Божхона идоралари бундай «юк» қандай муносабатда бўладилар? Қобилжон Қирғизалиевич, Россия Федерацияси 1995 йил 15 октябрда қабул қилинган РФ, Ўзбекистон раҳбарлари ва МДХ темир йўл транспорти Кенгаши юк ортилган вагон ва контейнерларни МДХ давлатлари ва давлатлараро ўтиш-ўтказиш тартиби ҳақидаги Вақтинчалик Битимга қандай амал қилмоқда?

— Кейинги вақтларда РФ Божхона идораларининг йўлда ҳужжатлари алмаштирилган пахта толаси-

«Ғамхўр—98»

БОЛАЛАР ЁЗИ СОЗ ЎТАДИ

Таквимда июнь ойи айни ёз. Мактаб ўқувчиларининг таътил даври бошланди. Одатдагидек болажонларимиз оромгоҳларда дам олишга ошиқишяпти. Фарзандларимизнинг таътил кунларини мароқли ўтказиб, дам олиш масканларида яхши ҳордиқ чиқаришлари учун пухта тайёргарлик кўрилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Жўмладан, вилоят ҳудудиди «Ғамхўр—98» тадбири ишлаб чиқилиб, ана шу асосда иш олиб бориляпти.

Биринчи галда бир қатор тегишли идоралар билан болалар дам оладиган оромгоҳларнинг мавсумга ҳозирлиги текшириб чиқилди. ИИБ ДАНБ ходимлари, оромгоҳларга борадиган йўللари кўздан кечириб, машиналар қатнови учун яроқлилиги ҳақида ҳуқуқсозларнинг вилоят ҳокимлигига тақдим этдилар. Мавжуд камчиликлар бартараф этиляпти. ЁСБ ходимлари ҳар бир оромгоҳда бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича текширув олиб бордилар. Бир қатор масканларда камчиликлар аниқланиб, тегишли идораларга ёзма баённомалар юборилди. Айни кунларда уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Болалар оромгоҳлари вилоятимиздаги асосан Бўстонлиқ, Паркент ва Охангарон туманларининг тоғли ҳудудларида жойлашган. Масканларнинг асосий қисми Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа идора, муассасаларга тегишли бўлиб, ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари дам олишади. Бундан ташқари, вилоятимиздаги ҳар бир туманда ҳам икки-учтадан болалар оромгоҳи мавжуд. Бу йил жами етмишдан ортиқ оромгоҳ болажонларга хизмат қурсатади.

Мавсумнинг мароқли, тинч, оsayишта утиши учун белгиланган тадбирларда биринчи галда жамоат тартибини сақлашга катта ўрин берилган. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ҳар бир оромгоҳга биттадан милиция ходими ажратилди. Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти билан келишиб, биттадан ВЕИН ходими мавсум давомида оромгоҳда доимий хизмат қилиши таъминланди. Ходим биринчидан ўша жойдаги тартиб қоидаларга назорат қилиб турса, иккинчидан болалар билан профилактик ишлар олиб боради.

Ундан ташқари бошқарма томонидан вакил-

лар ажратилган. Улар доимий равишда туман ИИБ ходимлари билан биргаликда, участка вакили ҳамроҳлигида оромгоҳларда бўлиб, назорат қилиб турадилар.

Ҳар йилгидек мактаблар қошида соғломлаштириш майдончалари ташкил этилди. Болалар эрталаб мактабга келиб беш-олти соат давомида шу ерда бўлишади. Турли хил ўйинлар, машқлар билан шуғулланиб, дам олиб қайтишади. Туман, шаҳар ИИБ раҳбариятлари ҳудудлар бўйича биттадан вакил ажратган. У навбати билан мактабларда бўлиб, ҳуқуқ, куча ҳаракати қоидалари, жиноятчилиқ, унинг илдиэлари каби мавзуларда суҳбатлар олиб боради.

Шу уринда уйда дам олаётган болалар ички ишлар идоралари эътиборидан четда қоладими, деган савол туғилади. Буни ҳам ҳисобга олганмиз. Қишлоқ жойларда болалар дала ишлари билан машғул бўлишади. Биз қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан келишиб, участка вакиллари иштирокида қишлоқ маҳалла болаларини бир жойга йиғиб, ички ишлар ходимлари билан учрашув, суҳбатлар ўтказишни режалаштирганмиз. Воғна етмаганлар билан ишлаш бўлимида ишлаб чиқилган режа асосида қишлоқ болалари учун профилактик ишлар олиб борилади.

Тузилган режа ва тадбирларнинг асосий мақсади вилоятда болалар уртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, мурғак қалбларда ҳуқуқ-тартибнинг нималигини ҳис этиб, унга риоя этиш зарурлигини англатиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, қувноқ болалар ёзининг кўнгилдагидек утишини таъминлашдан иборатдир.

Абдураззоқ ОДИЛОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
ЖООБ бошлиғи
муовини, милиция
майори.

«Диққат, болалар!»

МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мактабларда машғулотлар тугаб, болалар ёзи бошланди. Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ ходимлари таътил мавсуми бошланиши билан «Диққат, болалар!» тадбирини ўтказяптилар. Ун кун давом этадиган тадбирда болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кўзда тутилган. Болаларнинг таътилга чиқиши олдидан вилоят, туман, шаҳар ДАНБ ходимлари мактабларда, маҳаллаларда бўлиб, ёз мавсуми давомида куча ҳаракати қоидаларига риоя этиш, велосипед ҳайдаш чоғида катта кучаларда нималарга эътибор бериш каби мавзуларда суҳбатлар олиб бормоқдалар.

Шунингдек, болажонларни соя-салқин жойлардаги оромгоҳларга кузатиб бориш ва олиб келишда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун зарур режалар ишлаб чиқилди. Оромгоҳларда, мактаблардаги соғломлаштириш майдончаларида куча ҳаракати қоидалари бўйича бурчаклар, майдончалар ташкил этиш учун амалий ёрдамлар қўрсатилмоқда.

И. САИДКАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

Расмий хабарларга қараганда гиёҳвандларнинг умри уртача умр кўриш ёшидан икки хиссадан ҳам камроқни ташкил этар экан. Шунинг учун уларнинг қирқ йилдан ортиқ яшаши ноёб ҳодиса ҳисобланади. Суд-тергов амалиётидаги таҳлиллар шуни қўрсатадики, гиёҳвандлик кучасига илк бор қадам қўйган кимса биринчи ойда 200 сумгача, иккинчи ойда 200—500 сумгача, ашаддий гиёҳвандга айланган эса «хўзур-ҳаловати» йўлида ҳатто ун минг сум ва ундан ҳам кўп миқдорда маблағ сарфлайди. Шунча пулни ҳалол меҳнат қилиб топиш амримаҳол. Бу эса турли хил жиноятларни келтириб чиқаради. Бир сўз билан айтганда гиёҳвандлик умрни бевақт хазон қилиб, ҳушёр турмуш тарзими-зга раҳна солувчи ижтимоий иллатдир.

Шу боис жаҳон ҳамжамияти «аср ўлати»га қарши кескин кураш олиб бормоқда. Ҳар йили гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш учун қанчадан-қанча куч ва маблағ сарфланапти. Аҳоли уртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Шунга қарамай айрим кимсалар уммай даромад, ҳаром пулни деб жамиятимизга гиёҳвандлик моддаси — захри қотилни тарқатмоқдалар.

Шундайлардан бири Мавлуда Зиёдобоевадир. У оиласиз, вақтинча ишламайди, ўғли Зухриддин ва кейинги эрининг фарзандлари — Фотима ва Зухралар билан Тошкентдаги ижара уйда яшаган.

Хўш, Мавлудани Намангандаги тайёр уй-жойини ташлаб, пойтахтга келишга нима мажбур қилди экан? «Тирикчилик, — деди у тергов пайтида. — Бола-чақа дегандек... Янги орттирган танишим, тожикistonлик Ҳалим Ғаниев иккимиз тижорат билан шуғулланмоқчи бўлдик. Аммо у номард экан. Танишларим Лазиз, Хайрилла, Фахриддиндан қарз кутариб, қолганини ёнимдан қўшиб қўлига 5.000.000 сумни санаб бердим. Ҳалим пулни олди-ю, қаёққадир ғойиб бўлди...»

Орадан маълум вақт ўтгач қарз берган кишилар Мавлудани ҳоли-жонига қўймади, кистовга ола бошлади. Тўғри-да, шунча пулни ким бекорга бериб

қўярди. Мавлуда Ҳалимни роса излади, сурамаган ода-ми, суриштирмаган жойи қолмади. Охири оstonасига келатганлардан бироз қўлогини тинчйтиш мақсадида қўшилариға: «Мен Душанбе шахрига кетдим» деди-да, дугонаси Любаникида яшай бошлади.

Орадан чамаси бир ойча вақт ўтгач ҳовлиқиб Ҳалим келиб қолди.

— Олган пулим эвазига героин олиб келдим, — деди у Мавлудага халтага жойланган гиёҳвандлик моддасини қўрсатар экан. Узиям нақд бир килограмм «Қора бозор»да пулланса мумайгина даромад ишлаб олиш мум-

ка олиб бориб пуллаш эди. Шунинг учун Мавлудадан олган «мол»ни хонадонига яшириб қўйди. Героин эвазига эса 26.000 сум пул, 300 АҚШ доллари, 20 метр «вилвет» матоси ва эркаклар тилла соатини келтириб берди.

Орадан кунлар ўтди. Мавлуда дугонаси Люба билан гаплашиб ўтирганда Баҳодир келиб қолди.

— Бишкекка юк олиб келаяпман, — деди у. — Героиндан берсангиз ўша томонларда пуллаб келардим.

Бу гап Мавлудага маъқул тушди. У мижозига яна 280 грамм героинни юқоридаги нархда ўтказди. Шундан сўнг Баҳодир «Олой» бозори-

риб, гаровга берилган героинни олиб кетади.

Милиция ходимлари наманганлик гиёҳфурушнинг қилмишларини фой этишди. Унинг хонадонини холис-лар иштирокида кўздан кечирилганда 220 грамм-у 25 миллиграмм героин, 1675 АҚШ доллари, «Ўзтадбиркорбанк» томонидан чиқарилган 889 дона қимматбаҳо қоғозлар, турли фирмаларга тегишли иш қоғозлари, муҳр ва штамплар борлиги маълум бўлди.

Суд ҳукми билан Мавлуда Зиёдобоева 18, Баҳодир Азимов 17, Вячеслав Лян эса 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Уларнинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди.

Уйламай босилган қад-ам албатта жабр келтиради, деб шунга айтсалар керак. Ушбу жиноий ишни тергов қилиш жараёнида бир насага ҳайрон қолдим. Ҳозир бозорларда тирикчилик ўтказиш учун улбул нарсаларни сотаётган аёлларни тушуниш мумкин. Аммо Мавлуда Зиёдобоева учун миллионлаб пулни қарзга олиши, бегона кишига бериб юборишининг нима кераги бор эди. У пойтахтнинг Марказ-15 мавзесидан ижарага олган уйига ҳар ойда 200 АҚШ долларидан ҳақ тулаган. Хоналарни фирмаларга офисга бериб, хизматчилар ёллаган. Хўш, бундай хатти-ҳаракатдан у қандай мақсадни кузлаган эди? Уч фарзандни боқиш учун узини шунчалик «уту қўгга» уриши шартми? Энди болаларнинг ҳаёти қандай кечади? Менимча узини англаган, фуқаролик бурчини ҳис этган инсон уйлаб иш қўради ва жиноят йўлига асло кирмайди.

Гиёҳвандлик, гиёҳфурушлик юқорида айтганимдек, жамият учун хавфли иллат бўлгани учун захри қотил пайида бўлган шахслар қонун томонидан шафқатсиз жазоланаверади. Буни асло унутмаслик лозим.

ИНОЯТ ЮСУПОВ,
Ўзбекистон
Республикаси ИИБ
Тергов бошқармаси
катта
терговчиси,
милиция майори.

РЕСПУБЛИКА ИИБ ТЕЛЕТАЙП ПЕНТАСИДАН

ТОШКЕНТ. «Тошкентшаҳарюктранс» трестининг 127-автокорхонаси ҳисобчиси вазифасини бажарувчи, 1943 йилда туғилган К. А. шу автокорхона директори хонасида Чилонзор тумани, 5-даҳа, 6-уй, 40-хонада яшовчи Ғ. Абдуолимовни ҳайдовчиликка қабул қилиш эвазига ундан 40.000 сум пулни пора сифатида олаётганида С. Раҳимов тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

БУХОРО. Олат туманидаги Олат ижара хўжалик иқтисодчиси, 1960 йилда туғилган Д. Т. узаро жанжал оқибатида ИИБ рўйхатида бўлмаган «ИЖ-58» русумли милтиқ билан шу хўжалик директори, 1938 йилда туғилган Ж. Қиличевнинг курагига отган. Натижада жабрланувчи касалхонада вафот этган. Д. Т. ушланди. Ундан далилий ашё сифатида милтиқ олинди.

АНДИЖОН. Олтинқул туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи, 1959 йилда туғилган М. Маматқулов кўчада «ИЖ-21250» русумли, 3 42-94 АН давлат белгили машинасини қаровсиз қолдиради. Бундан фойдаланган номаълум шахс машинани уғирлаб кетади.

Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан бу жиноятни содир этган шахс аниқланиб, ушланди. У андижонлик, 1967 йилда туғилган Р. У. экан, ҳозир тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

САМАРҚАНД. Боғишамол тумани халқ таълими бошлиғининг уринбосари, 1949 йилда туғилган Р. Т. ўз хизмат хонасида Спартак кучаси, 11-уйда истиқомат қиладиган, ишламайдиган, 1954 йилда туғилган Ш. Камоловадан ўғлини болалар уйига жойлаштириб бериш эвазига ундан 5000 сум пулни пора сифатида олаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

НАМАНГАН. Турақўрғон тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирни муваффақиятли амалга оширдилар. Унда Ахси қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1963 йилда туғилган Б. Рустамовнинг хонадонидан И-1545 рақамли, 22 калибрли ов милтигини топиб олдилар. Б. Рустамов ушланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Қўнғирот туманидаги Жаслик қўғонига яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1950 йилда туғилган С. Жакашев маст ҳолда узаро жанжал оқибатида қўшниси, ўғли тенгқур А. Жилкинбоевнинг оёғига қарата милтиқда ўқ узиб яралади. Далилий ашё — ИИБ рўйхатида бўлмаган милтиқ С. Жакашевдан олинди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди, С. Жакашев ушланди. Жанжал сабаблари ўрганилмоқда.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Тошкент шохбекати тармоқ ИИБ томонидан 1994 йил 12 апрель куни Тошкент товар шох бекатидан топилган, Осиё миллатига мансуб 40-45 ёшлардаги эркак киши жасадининг шахси аниқланмоқда. Унинг кийимлари кўздан кечирилганда икки киши бирга тушган суратдан бўлак ҳужжат топилмади. Суратдаги 2-2,5 ёшлар чамасидаги қиз боланинг юз тузилиши топилган жасадникига ўхшаб кетади.

Белгилари: бўйи 160-170 см, юзи чузинчоқ, сочи қора тўғри, муйлови ва соқоли қора, бурни тўғри, лаби юпқа, ияги тўғри.

Кийимлари: эғнига кулранг костюм, қора гимнастерка, қора қўйлак, жунли шим, оёғига пайпоқ, кулранг қишки кроссовка кийган. Топилган мурданинг шахси билан боғлиқ маълумотлар ҳақида яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришингизни сўраймиз.



МУЗАФФАР СОДИҚОВИЧ АЛИМОВ

Ички ишлар идоралари фахрийси Музаффар Содиқович Алимов 70 ёшида оламдан кўз юмди.

У 1928 йилда деҳқон оиласида дунёга келди.

Музаффар Содиқович Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтини тамомлагач, санъат даргоҳларидан бирида ўз меҳнат фаолиятини бошлади, 1957 йилда эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаш учун юборилди. Бу орада ИИБ олий мактабини тугаллади.

У 60-йиллар охири ва 70-йилларнинг бошида Самарқанд тумани ИИБ бошлиғи, кейинчалик Самарқанд шаҳар ИИБ бошлиғи этиб тайинланди.

1972—1974 йиллар давомида Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг муовини, 1974 йилдан 1976 йилгача Наманган вилояти ИИБ бошлиғи, 1976 — 1978 йиллари Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи лавозимларида ишлади. 1978 йилда эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаси бошлиғи этиб тайинланди ва 1982 йилгача фаолият кўрсатди. Шундан сўнг 1993 йилгача Ўфақага чиққунга қадар ИИБ ва Адлия вазирлиги тизимида турли лавозимларда меҳнат қилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги ҳалол меҳнати учун М. Алимов бир неча марта ҳукуматимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланган.

Музаффар Содиқовичнинг ёрқин хотираси у билан бирга ишлаган ва уни яқиндан билган кишилар қалбида бир умрга сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.



Мунажжимлар башорат қилади

ҚҲЙ (21 март — 20 апрель)

Чоршанба кунгача саломатлигингиз билан боғлиқ кўнгилсизликлар юзига келиши мумкин. Пайшанба кунини муваффақиятли битимни имзолайсиз. Шанба кунини севган кишингиз сизни ҳаяжонга солади.

СИГИР (21 апрель — 21 май)

Ишбилармонлик муносабатлари сешанба кунини муваффақиятли яқунланади. Пайшанба кунини спорт машғулотларидан кайфиятингиз кўтарилади. Янги танишингиз билан пайшанба кунини бўладиган мулоқот катта таассурот қолдиради.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Сешанба кунини дўстларингиздан янгилик эшитиб, душанба кунини кўнгилсизликни унутасиз. Жума кунини моддий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари эса саломатлигингиз ёмонлашиши кўтилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)

Сешанба кунини яхши хабар қиласиз. Чоршанба кунини алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Пайшанба кунини энг мураккаб ишларни бажаришга бемалол киришавering, омад сиз томонда.

8 — 14 июнь учун

АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Юрак хуруж душанба кунга режалаштирилган вазибаларни бажаришга имкон бермайди. Чоршанба — масъулиятли музокаралар олиб бориладиган ва бошлиққа ҳисоб бериладиган кундир.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Сешанба кунини ўзингизга жуда керакли бўлган жиҳозни харид қиласиз. Пайшанба ижод учун қўлай кундир. Шанба кунини ажойиб саргузаштлар кўтилмоқда. Якшанба кунини ўй юмушлари билан машғул бўлишни маслаҳат берамиз.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Сешанба кунини ҳаменингизга пул тушиши эҳтимолдан холи эмас. Пайшанба кунини ижодий ёндошув энг қийин ишни ҳам уддалашингизга имконият яратади. Дам олиш кунлари яқинларингиз билан келишмовчилик келиб чиқиши мумкин.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Ўтган бир ой давомида машғул бўлган ишингиз ниҳоят чоршанба кунини ўз самарасини беради. Жума кунини янгиликлардан воқиф бўласиз. Дам олиш кунлари юлдузлар эски қадрдонларингизни йўқлашни маслаҳат бермоқда.

ЕЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Душанба — омадли кундир. Сешанба ва чоршанба кунлари баракали меҳнат қиласиз. Жума кунини бироз кайфиятингиз тушиб кетади. Аммо шанба кунини ажойиб оқшом кечаси ўзоқ вақт ёдингизда қолади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Хафтанинг биринчи ярмида тобингиз бўлмай, тез-тез шифокорга мурожаат этасиз. Хафтанинг охирига бориб соғлигингиз яхшиланади. Зеро, жума кунини хушхабар ва шанба кунини кўтилайтган учрашув бунга тўлиқ имконият яратади.


ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)

Душанбадан чоршанбагача бўлган давр омадсиз кечади. Жума кунини шубҳали туюлган режаларни бажаришга киришманг. Ушбу ҳафта охиридаги қадрдонлар билан мулоқот кўчингизга куч қўшиб, ишончингизни орттиради.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)

Душанба ва сешанба кунлари кайфиятингизнинг ёмонлашуви келгуси кунлардаги иш фаолиятингизга салбий таъсир кўрсатади. Шанба кунини ҳордиқ чиқаринг. Якшанба кунини керакли одам билан учрашув кўтилмоқда.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ ВА...



Азиз муштарий! Диктатингизга ҳавола этилган ушбу машқларда мусулмон оламининг халифаларидан бири Ҳазрат Алининг ўч ҳикмати яширинган.

Аввал қуйидаги сўзларни топиб, шаклдаги рақамли хонадан бошлаб чиқиқ буйича нуқтали хоналарга, сўнгги ҳарфни йўналиш кўрсаткичи каталка ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Халқ оғзаки ижоднинг қичкинтойлар севган тури.

2. Муқимий асаридан:

«Ош есалар ўртада сарсон...?»

Хужа чироғ ёғи-ю, Ҳакимжон пилик».

3. Мақолдан: «Ғап билгунча...?» бил».

4. Дон туйишда ишлатиладиган рўзгор буюми.

5. Турмушда ишлатиладиган асбоб, ашё.

6. Ип ёки ипақларни кесиштириб гул тикиш усули.

7. Усимлик япроғини тулга бириктирадиган қисми.

8. Бадиий тўқимачилик буюми тури.

9. Пазандалик анжони.

10. Айлананинг ўз диаметри атрофида айланишдан ҳосил бўлган геометрик жисм.

Энди ёзилган жавобларни шаклнинг энига қараб қаторлар бўйича ўқиш билан ҳикматни билиб олинг.

КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар:

1. Эркин Воҳидов қасидаси — 19, 14, 8, 13, 6, 5, 11.
2. Таниқли шоир, драматург, режиссёр, ўзбек мусикали театри асосчиларидан бири, кўплаб сахна асарлари муаллифи — 16, 9, 7, 17, 5, 2.
3. Дуторсимон қадимий чолғу асбоби — 12, 1, 4, 9, 4.
4. Ака-укалар, опа-сингилларнинг (тоғага, амакига, холага, амамага нисбатан) фарзанди — 18, 5, 15, 4.
5. Мақолдан: «Одобли 8, 1, 10, 3 — элга манзур». Жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, криптограммани ечинг. Ундан яна икки ҳикмат аён бўлади.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

Газетанинг аввалги сонида ёритилган чайнворднинг жавоблари:

1. Лупа, 2. Арпа, 3. Асвон, 4. Неон, 5. Норка, 6. Аккра, 7. Агра, 8. Адрас, 9. «Спорт», 10. Тол, 11. Лаққа, 12. Арқоқ, 13. Қубба, 14. Абжад, 15. Дуст, 16. Тўёна, 17. Алла, 18. Алёр, 19. Рага, 20. Ангиз, 21. Зоир, 22. Раис, 23. Саллоҳ, 24. Хлор, 25. Риоя, 26. Ян, 27. Ноил, 28. Лифт, 29. Тасма, 30. Амма, 31. Артист, 32. Тошбосма, 33. Аннаба, 34. Азиза, 35. Анқо, 36. Обкаш, 37. Шкала, 38. Аорта, 39. Атом, 40. Марка, 41. Архар, 42. Радиация, 43. Ясли, 44. Истақ, 45. Кишмиш, 46. «Шкода», 47. Аждод, 48. Драп, 49. Планк, 50. Кунда, 51. Анапа, 52. Аҳд, 53. Деҳқон, 54. Наҳд, 55. Дала, 56. Армия, 57. Ямал.

Ҳикмат:
Покроқ бўлғил осмон қатрасидан ҳам,
Покроқ бўлғил офтоб заррасидан ҳам.
Криптограмма: Ҳимматли одам — қимматли одам.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан 1972 йилда туғилган, миллати ўзбек, Қувасой шаҳар Полмон қишлоғида яшаган, жиноят содир этган **Талаб Ҳасанович ЖИЯНОВ** қидирилмоқда.

Т. Жиянов билан боғлиқ маълумотларни яқин ўртадаги милиция бўлинимасига маълум қилишингизни сўраймиз.

Тошкент вилояти ИИБ томонидан оғир жиноят содир қилиб терговдан яшириниб юрган, 1963 йилда туғилган **Аҳмад Юнусов** ва 1963 йилда туғилган **Абдусаматовлар** (суратсиз) қидирилмоқда.

Бу шахсларни қўрган ёки улар ҳақида бирор маълумотга эга бўлганлар яқин ўртадаги милиция бўлинимасига хабар беришларини сўраймиз.

«ПОСТДА» «НА ПОСТУ»

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,

Тошкент,

Юнус Ражабий кўчаси, 1

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Бош муҳаррир З. АТАЕВ.

Таҳрир ҳайъати:

З. Алиматов

Қ. Бурхонов

А. Жўраев

У. Жўраев

Н. Исмоилов

Ш. Мавлянов

Б. Матлюбов

Ғ. Раҳимов

Э. Сатторов

(муҳаррир ўринбосари в.б.)

Навбатчи:

С. ШАМСИДИНОВ.

Мусаххихлар:

Н. Султонова

Г. Холиқова

Саҳифаловчи

М. Насретдинова

ТЕЛЕФОНЛАР:

муҳаррир — 139-70-40, (088) 25-25 муҳаррир ўринбосари —

139-77-23, масъул котиб — 139-77-23, муҳбирлар бўлими 139-75-69.

Факс: 54-37-91.

Газета тарқатиш

масалалари бўйича

муурожаат учун:

тел.: 139-70-40,

факс: 54-37-91,

пейжер: (088) 36-97.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Тошкент

шаҳар Бош бошқармаси

ҳисоб-китоб — касса

марказида:

21506000200447980001,

МФО 00014.

● Кучириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

● Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

● Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

● Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида те-рилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш

тартиби №000021.

Буюртма Ғ — 0103

Ҳажми — 2 босма табоқ, Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 18.00.

Обуна рақами — 180.

103937

нусхада чоп этилди

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1,2,3,4,5,6.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, ИИБ фахрийларини қўллаб-қувватлаш Жамоатчилиги маркази раисининг ўринбосари, нафақадор, ички хизмат полковниги

Обидхон Аҳмедович АХМЕДОВНИНГ

вафот этганлигини маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖҚБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Баҳром Алимовга отаси

МУЗАФФАР отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Пойариқ тумани ИИБ ВЕИН бошлиғи, милиция майори

Абдуғаффор ТОШТЕМИРОВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАНББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Андижон вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Тошбоевга онаси

ЎФИЛХОН ҳожи аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда ИИБ Фахрийлар кенгаши нафақадор, милиция катта лейтенанти

Нормат МАШАРИПОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.